Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

ИШОНЧ

3

1993 йил 16—23 январь (96)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси



Ангрендаги «Ўзбекрезинатехника» бирлашмаси жамоаси бозор иқтисодиёти шароитда ноёб буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан кўплаб иқтисодий фойда олишни кўзлашмоқда. Бирлашмада автомобиль шиналари, калиш тайёрлашнинг йўлга қўйилганлиги аҳолининг бу тақчил маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга корхона учун катта даромад келтираяпти.

Суратларда: кунлик иш режасини 120 фоиз қилиб бажараётган калиш цехининг елимловчиси Малика Қораева ва шина ишлаб чиқариш цехи вулканизаторлари Рашид Юнусов билан Вадим Хайбуллин иш устида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

МАЪҚУЛЛАЙМИЗ, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Маҳаллий саноат ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят қўмитасининг VII пленуми қатнашчилари кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама этиш жараёнида республикамизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатга ҳам ўз муносабатларини билдириб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига мактуб билан мурожаат этишга қарор қилдилар. Мактубда шундай дейилади:

Маҳаллий саноат, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят қўмитаси пленуми қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияси материалларини, айниқса Ўзбекистон халқининг ҳаёт қомуси бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилинишини, республикамиз мустақиллиги рамзи бўлган янги Мадҳия матнини зўр қувонч ва қониқиш билан кутиб олдилар.

Пленум қатнашчилари Президентимиз Ислом Каримовнинг бозор иқтисодиёти даврида олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини тўла маъқуллайдилар. Ислом Абдуғаниевич республикамиз равнақи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб, халқимиз турмушини яхшилаш йўлида тинмай қайғурмоқда. Президентимизнинг хайрли ишларида омад ёр бўлаверсин.

Жиззах вилояти касаба уюшмаси ходимлари ўз навбатида меҳнат жамоаларининг белгиланган вазифаларни муваффақиятли уддалашлари йўлида ўз ёрдамларини аямайдилар, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашда бор куч-ғайратларини сафарбар этадилар, барча жойда тинчлик ва осойишталикнинг барқарор бўлиши учун имкониятларни тўла ишга соладилар деб ишонч билдирамиз!

Касаба уюшмаларида

«ИШОНЧ» мухбирлари хабар қиладилар:

ТОШКЕНТДАГИ Абдулла Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти қошида Республика вилоятлари ва Тошкент шаҳар ўқитувчилари учун санаторий-профилакторий очилди. 130 ўринли бу масканни бунёд этишга 4 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Марказий илмгоҳда ўз малакасини оширгани келган ўқитувчилар бир йўла бу ерда саломатликларини ҳам мустаҳкамлаб қайтадилар. Ҳар бир йўлланманинг баҳоси 4 минг сўм қилиб белгиланмоқда. Унинг фақат 15 фоизинигина дам олувчи тўлайди, холос.

Санаторий-профилакторий очилишида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раисининг муовини А. Ш. Султонов, халқ таълими вазирлиги таъмирлаш қурилиш бошқармасининг бошлиғи Ф. Т Исроилов ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

* * *

ХАЛҚ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти қўмитасининг бўлиб ўтган пленумида «Халқ таълими ходимларининг соғлигини ва меҳнатини муҳофаза қилиш, ижтимоий эҳтиёжини қондиришда Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси билан касаба уюшма вилоят қўмитасининг ҳамкорликда олиб бораётган иши ҳақида»ги масала кўрилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг муовини Раҳматулла Мусурмонов ҳамда тармоқ касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раисининг муовини Яраш Норовлар маъруза қилишди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Қўмита раиси Муҳаббат Омонова нафақага чиққанлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод қилинди. Илгари касаба уюшмалари вилоят кенгаши раисининг муовини вазифасида ишлаб турган Собир Зоиров халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси этиб сайланди.

Хабарлар маҳзни

● **ҲИНДИСТОН** Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Далип Мехта мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғи топширди.

● **ЎЗБЕКИСТОНДА** Қорақалпоғистон маданият кунларини ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Мажлисда маданият кунлари дастури ва рамзи ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистонда Қорақалпоғистон маданияти кунлари 25 январь куни Алишер Навоий номидаги санъат кошонасида очилади.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Фармонига кўра «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг бир гуруҳ ходимлари Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарорига биноан Бухоро вилояти таркибида маркази Қоровулбозор шаҳри бўлган янги Қоровулбозор райони тузилди.

● **РОССИЯ** Президенти Б. Ельцин Фармонига кўра, Ю. К. Шафраник Россия Федерациясининг ёқилғи ва энергетика вазири этиб тайинланди.

● **БОШҚИРДИСТОНДА** сут ва сут маҳсулотларининг нархи яна қимматлашди. Энди бир литр сут 12 сўм ўрнига 24 сўм туради. Сарёғнинг бир килограмм 550 сўм бўлди. Златоустда эса 32 сўмлик нон энди 27 сўмдан сотилмоқда.

● **ЯРИМ** йил қамоқда ўтирган собиқ Германия Демократик Республикасининг бошлиғи Эрих Хонеккер оғир касаллиги туфайли суд қарорига биноан озод қилинди. У даволаниш учун Чилига, оила аъзолари олдига учиб кетган.

«ИШОНЧ» ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ҳурматли газетхонлар!

Биз ва сиз орзиқиб кутган кун ниҳоят келди. Газетамиз шу йилнинг 16 январидан бошлаб душанба куни эмас, балки шанба кунлари чиқадиган бўлди. Мухлисларимиз энди «Ишонч»ни дам олиш кунлари мутоала қила оладилар. Газетани шанба куни чиқариш Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонасининг иш тартибини маълум даражада қийинлаштирди. Шунга қарамай концерн биздан ўз ҳимматини аямади. Кўрсатаётган ғамхўрлиги учун таҳририят ва Сиз азиз газетхонлар номидан концерн раҳбариятига ва босмахона ишчиларига самимий миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

ФАРҒОНАДАГИ «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги мураккаб шароитда меҳнат аҳлини ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда. Бунда, албатта, корхона раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ички имкониятларни биринчи галда алоҳида эътиборга олаётир.

МАҲСУЛОТ ишлаб чиқариш ой сайин мўлжалдагидан ортиқ бўлмоқда. Бунинг натижасида ишчиларнинг ойлик иш ҳақини ошириш имкони вужудга келмоқда. Меҳнат баҳсининг ғолиблари эса иш ҳақидан ташқари дурустгина пул мукофотлари ҳам олаяптилар. Ўн учинчи маош мунтазам бериб турилибди.

Шу билан бир вақтда меҳнат аҳлининг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ижтимоий ҳимоялаш юзасидан ҳам ибратли тадбирлар амалга оширилаётир. Маълумки, ҳозирги пайтда ҳамма нарса қимматлашди — истеъмол моллари-ю хизмат кўрсатишлар ҳам, тиббиёт дори-дармонлари ҳам. Лекин шундай бўлишига қарамай, бирлашма раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси бамаслаҳат иш тутиб, корхона профилакторий-санаторийсида дам олиб даволанишни бепул қилиб қўйди. У ерда ётиб даволаниш учун фақат шифокорларнинг хулосаси-ю йўлланмаси бўлса бас. Барча қулайликларга эга бўлган профилакторий-санаторийда йилига 1300 га яқин киши даволанаяпти.

Фарғона районидаги «Прогресс» давлат хўжалиги бирлашма ихтиёрида. Хўжаликда корхона ишчилари учун турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, мева-чева етиштирилади. Шу билан бир вақтда чорвачилик ҳам равнақ топяпти. Гўшт ишчиларга имтиёзли баҳоларда сотилаяпти. Гўштнинг яна бир қисми эса ишчилар ошхоналарига ва болалар боғчаларига етказиб берилаяпти.

Бу ерда келажагимиз бўлган болалар ҳақида катта ғамхўрлик қилинади. Корхона ихтиёридаги мактабгача тарбия болалар муассасаларининг ўзи олтита. Уларда ишчиларнинг 1160 нафар ўғил-қизи тарбияланмоқда. Ишчилар боғча ва яслиларда тарбияланаётган фарзандлари учун ой сайин атиги 14 сўмдан тўлайдилар. Ваҳоланки, корхона ҳар бир бола учун ўрта ҳисобда ойига 600 сўм атрофида маблағ сарфламоқда.

Корхона касаба уюшмаси қўмитаси болаларнинг ёзги таътил даврида кўнгилли дам олиши учун пухта тайёргарлик кўрди. Шоҳимардондаги «Горний» болалар оромгоҳида ҳар сменада 280 нафар бола дам олди. Уч сменада ишлайдиган оромгоҳда бутун ёз давомида салкам 900 бола яйраб ҳордиқ чиқарди. Йўлланма баҳоси ҳам арзон — 24 кунлик дам олиш 30 сўмгагина тушди, холос. Маблағнинг қолган қисми касаба уюшмаси қўмитаси ҳисобига қопланди. Бундай ғамхўрликлардан азотчилар бениҳоя мамнун бўлаётирлар.

Корхона маъмурияти билан касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида нафақа олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари ҳам алоҳида кўзда тутилган. Ана шу шартнома асосида корхонанинг уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси буюртма берган нафақа олувчиларга ўз уйларини таъмирлашда яқиндан ёрдам кўрсатаяпти. Шунингдек, корхонада 20 йил ва ундан кўпроқ вақт ишлаган ишчилар фахрий дам олишга узатилаётганда уларга бир йўла 1500 сўмдан қўшимча нафақа берилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлган кишиларнинг оилаларига янада кўпроқ товон пули тўланмоқда. Ҳозирги пайтда жамоа қарори билан иш вақтида азият чекканларнинг оилаларига 50 минг сўмдан товон пули тўланадиган бўлди. Касбга оид касаллик билан нафақага чиққан ишчиларнинг нафақаси икки баравар кўпайтирилди ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашгани муносабати билан уларга яна қўшимча ҳар ойда 100 сўмдан пул берилаяпти.

Касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан корхонада уй-жой муаммосини ижобий ҳал этиш тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Шу мақсадлар учун ажратилган 240 миллион сўм маблағдан омилкорлик билан фойдаланилаётир. Ана шу маблағ эвазига қурилаётган уйлар битказилгач, камида 100 оила уй-жойли бўлиб қолади. Шунда уйга муҳтож бўлиб ариза берган ва навбатда турган 940 кишининг эҳтиёжи бир мунча қондирилади.

Ишчилар ҳақида қилинаётган бундай ғамхўрлик ўз навбатида корхонада ишлаб чиқариш топшириқларининг мунтазам ошириб бажарилишига ижобий таъсир ўтказаяпти.

Т. МАҲМУДОВ.

ИНСОНГА СОЯНГ ТУШСИН

МАТЛУБОТ жамиятлари Косонсой уюшмаси бошқаруви аҳоли турмуши учун зарур моллар етказиб берилишини таъминлаш билан бир қаторда маҳаллий имкониятлар ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш, ишга жойлаштириш тадбирларини ишлаб чиқмоқда. Энг муҳими, ўз меҳнатчилари ҳақида ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Мабодо Косонсойга йўлингиз тушиб қолса, Гўрмирон қишлоғига кира беришингизда, катта йўлнинг чап тарафидаги қадимий адирликлар ён бағрида қанот ёзган сўлим боғ кўзга ташланади. Икки донаси бир кило тош босадиган отёғи шафтолидан тортиб фақат шу заминдагина битадиган атир нокгача, Косонсойнинг машҳур ялтироқ ўрикларидан тортиб қандил олмаларигача ўрин олган 40 гектарлик боғ ҳудуди ҳозирда бутун Наманган вилоятига маълум ва машҳур бўлган дам олиш масканидир.

Ўн беш йил илгари бугун дарахтлар шовуллаётган бу ернинг қиёфаси қандай бўлганлигини яхши эслайман. Янтоқ ҳам ўсиб-ўсмайдиган, эртакларда тасвирланган одам юрса оёғи, куш учса қаноти куядиган даштликнинг ўзгинаси эди. Матлубот жамиятлари уюшмаси бошқарувчи савдо ходимлари касаба уюшмалари район қўмитаси билан ҳамкорликда катта ишга қўл урди. Фойдаланмасдан ётган майдонни «Дўстлик» давлат хўжалигидан сотиб олди. Ер ўзлаштиришни тезлаштириш, ободончилик тадбирларини жадалроқ уюштириш мақсадида маъмурий бинони ҳам марказдан шу ёққа кўчиришга қарор қилинди. Ҳувиллаб ётган сахро қўйнида йўлнинг ҳар икки бетида маъмурий иморат билан бир вақтда савдо шохобчалари қурилиши авж олдириб юборилди.

Савдо ходимлари касаба уюшмаси район қўмитасининг раиси Махмудхон Закрияев дам олиш зонасининг бугунги аҳамиятини қониқиш билан тилга олди:

— Дарҳақиқат, уч-тўрт йилдан бери миллий ва касб байрамларимизни, ходимларимизнинг нафақага чиқаришга бағишланган тадбирларни шу ерда ўтказишни йўлга қўйганмиз, сохамизда узоқ йиллар халол ва фидокорона меҳнат қилган Дадахон Бузруков, Усмонхон Исроилов, Отахон Исмонлов, Исломхон Ҳамроевларнинг 60 ёшлик тўйларини ўтказдик. Бундан ташқари, қўмитамиз бошқарув маъмурияти билан тузган жамоа шартномасига биноан ходимлар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, қулай меҳнат шароити яратиш масалаларига ҳар доим алоҳида эътибор беради, — дея давом этди Махмудхон ака. Масалан, бу йилги соғломлаштириш мавсумида 24 кишининг санаторийларда, 13 кишининг профилакторийларда, 16 кишининг дам олиш уйларида, ўндан ортиқ ходимнинг хорижий элларга саёҳатларга бориб ҳордиқ чиқаришларига эришдик.

Кичик корхонанинг бири иккинчисидан бежирим иморатларини кўздан кечираман. Муҳташам ва ҳайбатли ишлаб чиқариш биноси ҳамда омборхона «ёрдамчи» иморатларсиз қаноти йўқ куш каби сўппайиб қоладигандек эди. Буларни барпо этиш учун озмунча маблағ кетмагандир? Айниқса, бозор иқтисодиёти, деб аталаётган бугунги шароитда!

Сой сувининг шабадаси уфуриб турадиган, қалин дарахтлар соясида қад керган «Тантаналар уйи»даги шарт-шароит билан танишамиз. Муаттар гуллар ҳиди, боғлар кўриниши, сой сувининг шовуллаши кўнглингизга хуш кайфият, қалбингизга ором бағишлайди.

Бир чети кекса Чоткол тизмаларига туташиб кетган Қоратоғ остонасида жойлашган Косонсой табиатининг бектакрорлиги билан Наманган вилоятининг дам олиш зоналаридан саналади. Бинобарин, район матлубот жамиятлари уюшмаси бошқаруви боғ ва токзорлар этагида, сой қирғоғида вилоят савдо ходимлари учун профилакторий ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Бу эзгу истак вилоят матлубот жамиятлари уюшмалари бошқаруви ҳамда савдо ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитаси томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Вилоят қўмитаси мазкур мақсадни рўёбга чиқариш учун 100 минг сўм пул ажратди.

Шу кунларда соғломлаштириш маскани қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда. Тўрт қаватдан иборат профилакторий келгусида санаторийга айлантирилади.

Ҳа, бу ерда инсон ҳақида қилинаётган ғамхўрликларнинг гувоҳи бўлганимдан мамнун бўлдим.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«ИШОНЧ» мухбири.

Юзта ҳунарни пала-партиш билгандан кўра битта ҳунарни пухта билган яхши. Ўзбекистон енгил саноат вазирлиги тасарруфидаги Тошкент тажриба ип йигирув тўқувчилик фабрикаси ишчиси Шаҳнозахоннинг шиори ана шундай. У ўз ишига қатъий меҳр қўйиб мазкур ҳунарнинг устаси бўлгани учун жамоа ўртасида алоҳида обрў-эътиборга эга. Зиммасидаги топшириқларни муддатида бажариш бўйича ҳам, ўзаро мусобақада ҳам илғор доим.

Суратда: Шаҳноза Отахўжаева
Ҳаким СОЛИҲОВ суратга олган.

АНИҚЛИК КИРИТИЛДИ

Газетамизнинг ўтган сонида эълон қилинган «Ўздавнефтмаҳсулот» акционерлик жамияти ва Ўзбекистон кимё саноати тармоғи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ўртасида 1993 йил учун тузилган битим» сарлавҳали материалнинг биринчи жумласи қуйидаги тахрирда ўқилсин:

«Ушбу битим «Ўздавнефтмаҳсулот» акционерлик жамияти ва республика саноатининг кимё, нефть кимёси, минерал ўғит ҳамда микробиология тармоқлари бирлашмалари, корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари меҳнат жамоалари касаба уюшмаси аъзолари номидан Ўзбекистон кимё саноати тармоғи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ўртасида тузилди».

ҲАМКОРЛИК САРИ ҚЎЙИЛГАН МУҲИМ ОДИМ

СИЗГА маълумки, йил бошида Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва ҳукуматлари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ана шу учрашувга сиёсатшуносларнинг муносабатлари бир хил бўлмади.

Президентлар ва ҳукумат раҳбарларининг Тошкентдаги йиғилиши Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамкорлигининг кам самаралилигидан бўлди, деган фикр-мулоҳазалар ҳам мавжуд. Шу нуқтаи назарни асослаш учун аниқ мисоллар келтирилди. Жумладан, ҳамкорликнинг муҳим соҳаларини қамраб олган икки юздан ортиқ турли хил даражадаги ҳужжатлар қабул қилинди, бироқ афсуски, уларнинг кўпчилиги қоғозда қолиб кетаяпти. Воқелик шундайки, МДҲ ташкил этилган кундан буён ўтган бир йил ҳамдўстлик мамлакатларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳарбий тараққий эттиришнинг аниқ муаммолари юзасидан келишилган ҳолда биргаликда куч-ғайрат сарфлаш заруратидир.

Бу, бешинчидан, мураккаб экологик муаммоларни ҳал этишда минтақадаги барча халқларнинг куч-ғайратини бирлаштиришни объектив тақозо этувчи минтақанинг долзарб экологик муаммолари бирлашишни талаб қилаётган жараёндир.

Давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ўтказилди. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, давлатлар ва ҳукуматларнинг раҳбарлари Ислом Каримов таклифига ҳар бир мамлакатнинг миллий мақсадлари мавжуд бўлишига қарамай қўшилишнинг боиси кўпгина умумийлик мавжудлигида. Бу иложи борича тезроқ ва оғриқсиз иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш, минтақавий интеграцияни ўзаро фойдали тарзда йўлга қўйиб олишдан иборат.

Ўрта Осиёнинг беш республикаси давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари Тошкент йиғилишида мазкур минтақада ягона иқтисодий маконни юзага келтириш тарафдорлари эканликларини яқдиллик билан изҳор қилдилар. Моҳияти жиҳатидан мутлақо янги минтақавий бозорни ташкил этиш тарафдорлари эканликларини билдирдилар. Ягона божхоналар ва божлар қоидасини, солиқ тизимини, ягона мудофаа кенглигини, ўзаро келишилиб олган нархни назарда тутади. Бундан ташқари шу минтақа мамлакатларига камёб хом ашёлар ва материалларни ўзаро етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида битишувга келишдилар. Қозоғистон эндиликда ўз нефтининг катта қисмини қайта ишлаш ҳамда тайёр нефть маҳсулотлари олиш учун Ўзбекистон ва Туркманистон заводларига етказиб бериш ниятида. Ғалла ҳам, энергетика кувватлари ҳам ва халқаро баҳо бўйича ўтадиган бошқа моллар ҳам шундай.

Маълум турдаги хом ашёларни ишлаб чиқариш ва четга чиқариб сотиш юзасидан мувофиқлаштирувчи ҳамкорлик марказлари ташкил этилмоқда.

Давлатлараро ва ҳукуматлар раҳбарларининг йиғилишида рубль минтақаси муаммоларига катта эътибор берилди. Афсуски сўнгги вақтларда МДҲ республикаларининг ўз миллий валютасига ўтганларнинг сони ўсганлиги кузатилди, бу етказиб берилган хом ашё ва ускуналар кенг истеъмол моллари учун ўзаро ҳисоб-китоб қилишни анча мушкуллаштиради. Бундан ташқари Россия кейинги вақтларда молиявий сиёсатда ўзини ҳукмрон тутаётганлиги, МДҲгидаги бошқа мамлакатларнинг манфаатларини назар-писанд қилмаётганлиги, уларнинг молиявий тизимини муайян даражада қийинлаштираётганлиги, мустақил давлатларнинг иқтисодиётига ғоятда салбий таъсир кўрсатаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мустақил давлатлари делегациялари Тошкент йиғилишида Орол денгизи районида экологик барқарорликни таъминлаш муаммоларини муҳокама этдилар. Беш республиканинг Оролга кўмак кўрсатадиган қўшма жамғармасини ташкил этишга қарор берилди. У Оролбўйининг уч шаҳридаги манзилда фаолият кўрсатади. Яқин вақт ичида манфаатдор мамлакатлар билан Қаспий денгизининг экологияси юзасидан музокаралар ўтказишга қарор қилинди.

Давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларининг қўшма йиғилишида ягона минтақавий ахборот маконини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Телевидение маркази Тошкентда, республикаларо газета редакцияси эса Олма-Отада жойлашади. Бу минтақа мустақил мамлакатларнинг маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги манфаатларига жавоб берадиган ўта муҳим қарор бўлди.

Шунингдек, давлатлар раҳбарлари минтақа мамлакатлари учун ғоят муҳим бўлган Марказий Осиёнинг Форс, Ўрта ер денгизига, Тинч океанга чиқиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Темир йўл қурилиши катта маблағ талаб этади. Бироқ, барча Президентларнинг фикрича, бундай харажат Марказий Осиё республикаларининг манфаатларига жавоб беради. Бу дастур амалга оширилган шароитда барча республикаларга Осиё мамлакатлари ва Тинч океан минтақаси билан ташқи иқтисодий савдо-сотиқ ва бошқа алоқаларни кучайтириш имкониятини беради.

Давлатлар бошлиқларининг йиғилишида Тожикистон муаммосига ғоят жиддий эътибор қаратилди. Давлатларнинг бошлиқлари Олма-Отада ҳам, Тошкентда ҳам якдиллик билан Тожикистон чегаралари дахлсиз эканлигини баён қилдилар. Олма-Ота шартномасига қўшимча равишда қардош тожик халқига шошилинч тартибда инсоний ёрдам кўрсатиш, дори-дармонлар, озиқ-овқатлар, кийим-бошлар, ёқилғи-мойлаш материаллари билан кўмак бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон қардош тожик халқига кўпдан-кўп ёрдам кўрсатиб келаяпти. Шу ёрдам мунтазам кўпайтирилиб борилади. Бундан Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида дўстлик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Тошкент учрашуви давомида Президентимиз Ислом Каримов билан Тожикистон Олий Кенгаши Раёсати Раиси Имомали Раҳмонов томонидан имзоланган шартнома асос бўлиб хизмат қилади. Давлатлар раҳбарларининг барчаси Тожикистонда содир бўлаётган воқеалардан ташвишланганликларини ва у ерда осойишталик ҳамда барқарорликни таъминлаш зарурлигини билдирдилар. Шу билан бирга Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб ўтдики, ҳарбий низони тўхтатиш, сиёсий барқарорликни таъминлаш бу аввало тожик халқининг ўз ишидир. У мустақил Тожикистон ички ишларига аралашиш, у қаерда бўлмасин қарши эканлигини билдирди.

Тошкент учрашувида давлатлар раҳбарларининг Минскда бўладиган йиғилиши билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. У муддати бир неча бор ўзгарилганидан кейин, ниҳоят 22 январда очилиши зарур. Бир қатор муаммолар юзасидан биргаликдаги келишилган нуқтаи назарлар аниқланиб олинди. Тошкент учрашуви якунлари юзасидан қўшма ахборот қабул қилинди. Давлат раҳбарлари навбатдаги мажлисни Минск учрашувидан кейин Ашгаботда ўтказишга қарор қилдилар.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент йиғилиши шубҳасиз тарихий аҳамиятга эга. Йиғилишда келишган ҳолда қабул қилинган қарорлар буюк мақсадларни ифодалайди ва минтақадаги барча халқларнинг манфаатларига жавоб беради. Давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларининг Тошкентдаги йиғилиши — бу Марказий Осиёдаги беш давлатнинг ҳамкорлик сари, улқан хомашё ресурсларига эга бўлган янги иқтисодий бозорни ташкил этиш йўлида қўйилган сифат жиҳатидан мутлақо янги қадам. У бизга янги ҳамкорликнинг битмас-туганмас имкониятларини очиб беради. Чунки унга Осиё қитъасидаги бошқа мамлакатлар ҳам аъзо бўлиб киришлари мумкин.

— Тарихни орқага қайтариб бўлмайди, — деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, — чунки бугунги кунда ҳукуматлар раҳбарлари ўз сиёсий фаолиятлари асосига давлатлар истиқлолини, мустақиллигини қўймоқдалар, улар ўз республикалари Конституцияларига амал қилмоқдалар, улар сиёсатининг бош йўналиши истиқлол ва мустақиллик ҳисобланади.

— Бугунги кунда биз учун энг асосий нарса, — деб кўрсатиб ўтди Ислом Каримов, — бу янгиланган жамиятни шакллантириш, бошланган ислоҳотларни чуқурлаштириш, сиёсатимизнинг моҳияти ва мазмуни шундан иборатки, маданий бозор муносабатларини шакллантиришни боскичма-боскич амалга ошириш, бош ислоҳотчи давлатнинг, ҳукуматнинг ўзи бўлиши зарур. Ўзбекистон дўстларимиз ва барча кўнгли очиқ кишилар учун очиқ. Биз миллатлар ҳамжамияти билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш шартини дунёдаги барча мамлакатлар билан шерикчиликда ва ҳамкорликда деб биламиз.

Тошкентдаги учрашув давлатлараро муносабатларнинг оддий йиғин доираси билан чекланиб қолмаган. Ашгаботда, Олма-Отада, Бишкекда бир неча бор бўлган. Бу учрашув улкан минтақа давлатларнинг янги ҳамдўстлигини шакллантириш учун мустаҳкам заминларни яратди.

Шу билан бирга, Президентимиз таъкидлаганидек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига шошма-шошарлик билан муносабатда бўлиши мумкин эмас Президентимиз МДҲга қатъий амал қилиши тўғрисида ҳукуматлар раҳбарларининг якдир фикрини ифода қилди.

Тошкент йиғилиши қатнашчиларининг фикрича МДҲ мустақил давлатлар учун зарурат ҳисобланади, ундаги Россия ва Украина собиқ Иттифоқ республикаларининг иқтисодий қайта тикланишида катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Россия билан иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий ва ҳарбий соҳани ривожлантириш барча соҳаларида, фан ва маданиятни ривожлантиришда, халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашда ҳамдўстлик улкан аҳамиятга эга эканлигини қайта-қайта таъқидлаган.

Давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларининг Минск учрашуви мустақил давлатлар ҳамдўстлигида туб бурилиш боскичи бўлиши лозим. Ў ниҳоят, МДҲ уставини қабул қилиши керак, унда ҳамдўстликнинг ташкилий тузилиши, мувофиқлаштириш органлари белгилаб берилиши эса МДҲ барча аъзоларининг бирлашишига ва ҳамкорлик қилишига ёрдам беради.

Мана шунинг учун ҳам ҳамдўстлик халқлари давлатлар раҳбарларининг Минск учрашувига катта умид боғламоқдалар ва истиқболга умид билан боқмоқдалар.

Элбек КАРИМОВ,
профессор,
«Ишонч» газетасининг сиёсий шарҳловчиси.

ТЕРИ ИШЛАЙДИГАН ҚОРХОНА

ЖИЗЗАХДА терини қайта ишлайдиган корхона иш бошлади. Бу корхонани Туркиянинг «Дери максан» фирмаси, Жиззах пластмасса заводи ҳамда «Суғдиёна» ишлаб чиқариш савдо фирмаси ҳамкорликда ишга туширишди. Жамоа тери маҳсулотларини қайта ишлаб, халқ истеъмол буюмлари учун керакли ашёларни тайёрлайди. Корхона меҳнат аҳли йилига 250 минг дона терини қайта ишлайди.

ШИША ЖИЗЗАХДА ТАЙЁРЛАНАДИ

ЖИЗЗАХ қурилиш ашёлари корхонаси вилоят пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш трести Американинг машҳур «Феникс-Интернишил Фэдиолоджи ИНК» фирмаси билан ҳамкорликда ишлаб, аҳоли ва корхоналар эҳтиёжи учун шиша идишлар ҳамда ойна ишлаб чиқарадиган корхонани бунёд этишаяпти. Бу иш амалга ошганида корхона ҳар йили 20 миллион шиша идиш, 500 минг квадрат метр ҳажмдаги ойна тайёрлашга эришади.

ДЎКОНДА АМЕРИКА МАҲСУЛОТЛАРИ

ЖИЗЗАХ вилоятининг энг узоқ қишлоқларидан бири — Ўсматда Ўзбекистон — Америка Қўшма корхонасининг тижорат дўкони иш бошлади. Унда турли кийим-кечаклар, пойафзаллар, тақинчоқлар, атторлик буюмлари, болалар буюмлари сотилмоқда.

ЭЛ ДАСТУРХОНИНИ СЕРОБ ҚИЛИШ УЧУН

УЧТЕПА. Жиззах райони матлубот жамияти эл дастурхонини сероб қилиш учун ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлди. Корхонада 6 та цех ўз маҳсулотларини бера бошлади. Яъни, бу цехлар кунига 14 тонна нон, 600 диколитр шифобахш ичимлик, 7 минг шартли банка мева-сабзавот консерваси, 19 тонна томат шарбати, 21 тонна турли хил ширинликлар, 850 килограмм музқаймоқ ишлаб чиқариб, аҳолига етказиб бермоқда.

Ҳозир корхонада 80 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Қўшимча цехлар ишга тушса, яна 120 нафар ёш иш билан таъминланади.

«ИШОНЧ» мухбири.

ҚУЁШ ЙЎЛИДАГИ ЙЎЛОВЧИЛАР

Электр аппаратлари заводи... Бу ерда бажариладиган ишларнинг ўта майда ва жуда мураккаб экани кўпга аён. Қўл тугул ингичка учли қисқичга зўрға илинадиган мурватларнинг ўрни хиёл алмашиб қолса ёки соч толасидек нозик симлар меъёрисиз тортилса ҳам тамом... Бутун бошли аппарат яроқсиз деяверинг. Шунақаларни хаёллабми мен бу заводда ишлаш ҳар кимга ҳам маъқул келавермайди, деб ўйлардим. Ахир бу ернинг ишчиси ҳам салкам инжиқ муҳандис бўлиши керакдай туюларди-да.

Заводга келиб ишчилар фаолияти билан батафсилроқ танишганимда негадир сўнгги хулосаларим ўзини оқламагандай бўлди. Бу завод ишига қизиқиб келувчилар кўп экан. Аксарият ишчи сулолалари яна. Қарангки, майда мурватлар билан ишлайдиган йиғув цехида аёллар ҳам кўп экан. Сулолалар дедим. Бир фамилияли 6—7 ишчилар. Парпиевлар, Хўжаевлар, Қўчқоровлар... ва ҳоказо. Бундай сулолаларнинг ичида бобо ҳам, ота ҳам, набира ҳам бор. Фасллар айланаверади, сулолали ишчилар авлоди ҳам узайиб бораверaркан. Заводнинг бир оҳанграбоси бордир-да. Қарангки, бу заводнинг директори ҳам 21 йилдан буён ўзгармаган. Азамат Юнусов... Аслида Андижондан хийла олис мирзачўллик бу одам институтни тамомлаб 2 йил ишлаб бериш учун бу ерга келгану уни ҳам заводнинг оҳанграбоси тутиб қолган бўлса керак. 1961 йилдан буён ҳалиям ўша икки йил тугамапти. Дастлаб Андижон машинасозлик заводида ишлайди. 1971 йили электр аппаратлари заводига директорликка лозим кўрилибди. Шундан буён завод ёнидаги сойдан қанча сувлар оқиб ўтибди. Электр аппаратлари заводи Азамат акани раҳбарлигида анча кенгайибди. Собиқ СССРнинг ҳамма республикалари билан борди-келди қиладиган бўлибди. Бу йиллар Азамат Юнусовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими» деган унвон ҳадя қилинибди. Хўш, чиқараётган маҳсулоти нозик, мурватлари майда, иши инжиқ, лекин одамларининг феъли кенг, эътиқоди, садоқати бутун бу заводда бугунги иқтисодий вазмин кунлар қандай кечяпти? Ишчиларининг кайфияти қанақа? Шу саволлар билан директор Азамат Юнусович Юнусовга мурожаат қилдим. Мана унинг ҳикояси.

— Тўғри англабсиз, ростдан ҳам майда ва инжиқ ҳунаримизнинг оҳанграбоси бор. Бўлмаса кечагина бўз йигит бўлиб ишга кирган Ғанижон Парпиевнинг бугун ўғли Баҳодиржон ёнида ишлармиди? Кун ҳам Ғанижон уйланяпти, ўтавераркан, деб бир тўйга бордик, кейин ўғилчали бўлибсиз деб ош қилиб егандик. Бугун ўша «ўғилча» илғор ишчимиз бўлиб турибди. Бунақалар кўп.

Ишимизга келсак, сиз айтган соч толасидек сим тортилган гугурт қутисидек аппаратларимиз каттакатта ГЭС, АЭСларни юргизади. Соддарок айтсам, жамики электр асбоблари борки, бизнинг маҳсулот аралашади. Дазмолдан ҳайбатли музлатгичгача, сув қайнатгичдан ҳозирда нархи 100 минг сўм бўлиб кетган рангли телевизоргача. Иқтисодиёт анча таранглашган шу кунда ҳам ўзимизни йўқотиб қўймадик. Тўғри, муаммолар меъёрдан кўпроқ бўлиб турибди. Чунончи, хом ашё тақчиллашди. Устига-устак Челябинскдаги 40 минг кишилик дастгоҳ ясар катта завод сингари доимий харидорларимиз йўл харажатлари, маҳсулотларимиз нархининг анча баландлашганини ўйладими, ўзлари ҳам электр аппаратлари тайёрлашга тайёргарлик кўряпти. Бу дегани харидорсиз қоламиз, деган хавф. Биз ҳам қараб турмадик, ўз республикамизга зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиряпмиз. Ҳозир маҳсулотларимиз турлари 21 тага етди. Масалан, дурадгорларимизнинг токли дастгоҳлари учун 4 хил қурилма чиқара бошладик. Жон деб олишяпти. Кейинги 2—3 йилда халқимизга уй-жой қуриш учун чакана ер берилдими? Ҳунармандларга эътибор ҳам, талаб ҳам кучайди. Бизнинг қурилмаларимиз эса уларнинг ишига ривож беради. Биз эса ишсиз қолмаймиз. Даромадимиз чакки эмас, изланишлар, янги моделлар самараси 1992 йилда 50 миллион сўм соф фойда берди. Бу даромадни эса ҳамжиҳатлик билан сарфлаяпмиз. Миллий байрамимиз Наврўзда 10 та новвос олиб сўйдикда, ҳар бир ишчимизга 2 килограммдан бепул гўшт бердик. Маош ҳам даромадга қараб ошяпти. Ўртача маош 7248 сўм бўлди йил охирида. Билсангиз бу вилоятимиздаги ўзимизга ўхшаш барча заводлардаги ўртача маошлардан кўп. 1993 йилда бу маошни яна оширяпмиз. Қасаба уюшмамиз ходимларига айниқса иш кўпайди. Ўзингиз ўйланг, бир метр чит фалон сўм бўлиб кетди. Ўзбекда эса турли-туман йиғинлар кўп. Ишчиларга шундай маросим учун 4—5 минг сўмдан ёрдам пули ажратяпмиз. Йил бошида Хакимжон (завод касаба уюшмаси раиси) билан маслаҳатлашиб бир гуруҳ тузгандик. Бу гуруҳ Россиядан бартерга 15 вагон ёғоч, икки вагон шифер олиб келди. Анчагина фоизини маъмурият ҳисобидан қилиб ишчиларга арзон баҳода сотдик.

Ростини айтсам, Мирзачўлга қайтиб кетмаганим сабаби бу ердаги дўстона муҳит бўлган. Ҳар бир ишчининг яхши-ёмон кунида биргамиз. Бир мақтаниб қўяй, 21 йил ичида заводдаги бирон одам юқорига шикоят ёзмаган. Ота-ўғил, ака-ука бўлиб кетганмиз. Бирликда гап кўп экан. Мана Марҳаматдаги, Қорасувдаги филиалларимизни кенгайтириб, мустақил корхона қилиб хатладик. 6 миллион сўм маблағ кетадиган янги бино қуряпмиз. У ерда халқ истеъмоли буюмларининг яна янги бир неча турларини чиқарамиз, насиб этса. Битта сал кўнглим тўлмаган тарафи, санаторий-профилакториймиз йўқ эди. Қўрғонтепа ҳудидидан баҳаво жой олиб кеч бўлса ҳам қурилишни бошладик. 36 ўринли энг замонавий типдаги бу маскан шу йил ичида битади.

Мирзачўлга қайтмадингизми деб сўрайсиз-а. Заводга шу қадар боғланиб қолганманки, нафақа ёшига етсам қандоқ қиламан, деб ўйлаб қоламан. Майда мурватли, инжиқ ҳунарли бу заводнинг меҳригиёси бор. Бу — 1200 дўстим, ака-укам, ўғил-қизим. Ниятларимиз кўп. Ҳозир Вильнюсдан келтирилаётган ток ҳисоблагич (счётчик)лар ҳадемай ўзимизда чиқа бошлайди. Қани энди республикамизда Бекободдаги сингари яна битта металлургия комбинати бўлса. Хом ашё тақчиллиги дардига анча малҳам топиларди. Нижний Тагил, Магнитогорск, Қарағандага қатнашдан, баланд-баланд ўйл харажатига куйиб, хом ашё к[illegible]тиришдан фориғ бўлардик.

Мустақил бўлганимизга энди иккинчи йил кетаяпти. Шунча ишлар, хайрли қадамлар бўляпти. Бу малҳамлар ҳам бўлиб қолар. Ноумид шайтон дейдилар-ку.

Азамат Юнусовичнинг гаплари ҳақ. Умид билан яшаганга нима етсин. Умидли одам қуёш йўлидаги йўловчига ўхшайди. Нурга, ёруғликка интилиб туради.

Замира РЎЗИЕВА,
«Ишонч» мухбири.

Кенгга кенг дунё, торга тор, дейдилар. Мунирахон Асқарованинг ҳам кўнглини кенгликда дарёга ўхшатишади. Ўзи ҳам барчада ана шу хислатни кўради чоғи. Шунинг учун ҳар бир тенгқури, дугонасининг меҳнатига алоҳида меҳр-садоқат билан муносабатда бўлади.

Суратда: «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси техникаси назоратчиси Мунира Асқарова.

Жўра БОБОРАҲМАТ олган сурат.

ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

Фарғона шаҳар «Комолот» агробиржаси директори Бахтиёр Мамадиев билан суҳбат.

— Бахтиёр Мамадиевич, агробиржа ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

— Бизнинг «Комолот» Ўзбекистон Республикасида илк бор очилган «Тошкент» биржасининг филиали сифатида ташкил топди. Ташкилотимиз Фарғонадаги йигирмадан ортиқ саноат корхоналари, агросаноат тармоғидаги хўжаликлар ва кичик корхоналарга хизмат қилади. Биринчи савдони 1992 йилнинг 28 январь куни «Тошкент» ва «Термиз» биржалари билан биргаликда бошлаганмиз.

— Демак, яқинда бир ёшга тўлар экансизлар-да. Бир йил ичида шунча ишларни амалга оширибсиз. Фарғона вилояти меҳнаткашлари қандай наф кўрди сизлардан?

— Ҳисоб-китобларга қараганда таъсисчилар жуда яхши фойда кўришди. Биржамиздан халққа келган фойда шуки, бир йил давомида саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги учун Россия, Украина ва Болтиқбўйи республикаларидан ва қўшни республикалардан асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, машина ва механизмлар олиб келдик. Бизга карашли муассасаларнинг биронтасида ишлаб чиқариш тўхтаб қолмади. Ишсизлик бўлмади.

— Кўпчилик ўртасида «Биржалар кўпайиб кетди. Броккерлар бойиб кетишди», деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?

— Албатта, бир-икки оғиз гап билан масаланинг моҳиятини очиб бериш қийин. Лекин шуни тушуниб олиш керакки, шунча йиллардан бери ўз қобилият ва ғайратларимизни, истеъдод ва имкониятларимизни тўла ишга сололмаганмиз. Фаолиятимиз гўё чегаралангандек. Ҳамма ишни давлатдан кутиб, боқимандалик касалига йўлиққандик. Ваҳоланки, изланиш, кечакундуз меҳнат қилиш, ўрганиш ва энг муҳими матонат эвазига киши кўп эзгу ишларни амалга оширса бўлади. Броккер бўлиш учун ҳам маълум даражада кишида истеъдод, лаёқат бўлиши зарур. Йиғилган маблағлардан оқилона фойдаланишни билиш керак. Гапнинг қисқаси, халқимизда «Қўлингдан келса — қандингни ур!» деган нақл бор. Майли, қўлидан келган, ишни қойил қилган қандини урсин. Бизнинг 145 нафар броккеримиз бор.

Бундан ташқари Ўзбекистон республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1992 йил 24 июлидаги фармонига кўра бизнинг чет эллик ишбилармонлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишимизга кенг имкониятлар яратиб берилди.

Америкалик ишбилармон Горре Бруклер ва венгриялик тадбиркор Рудольф Адамларнинг фикрича, бундай фармойиш ҳақида фақат орзу қилса бўларкан.

— Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодини тезроқ кўтарсак, бугунги қийин кунлар ўтиб кетса керак-а?

— Албатта, ўтиб кетади. Биз бугун ҳали ўзимизни тўла ўнглаб олганимизча йўқ. Лекин яқин вақт ичида ўнглаб оламиз. Бу қийинчиликлар вақтинча. Чунки, республикамиз табиий ресурсларга бой, халқи меҳнаткаш. Осойишталикни сақлаб, қўлни-қўлга бериб, меҳнат қилсак, ҳали кўп ютуқларга эришамиз.

— Айтганингиз келсин, Бахтиёр Мамадиевич. «Комолот»га комолот тилайман!

Суҳбатдош:
Санъат МАҲМУДОВА.

Саволларга Ўзбекистон касаби уюшмалари Федерацияси кенгашининг бўлим мудири Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири муовини Х. Ф. МАҚСУДОВ ва вазирлик кадрлар бошқармаси бошлиғи муовини Р. АХЛИДДИНОВлар жавоб берадилар:

Биз ўқув ишлаб чиқариш комбинатида ишлаб чиқариш усталари бўлиб ишлаймиз. Бизнинг ҳафталик қўшимча дарсимиз (нагрузкамиз) 8 соатни, йиллик қўшимча дарсимиз 280 соатни ташкил этади. Илгарилари йиллик қўшимча дарс соатлари 240 соатдан ошган ишлаб чиқариш таълими усталари ўқитувчилар сингари 48 кунлик меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга эди. 2—3 йилдирки, 24 кунлик таътил берилади бизга. Шу тўғрими?

Иккинчидан биз корхонани яъни ўқув ишлаб чиқариш комбинатини ижарага олишни, кичик корхона қилиб берилишини талаб этсак бўладими? Биз ишлаб чиқариш усталари ҳам малакали ишчилар тайёрлаш билан бирга фойда ҳам олсак деган умидимиз бор.

А. КОМИЛОВА, ЖЎРАЕВ, АБДУЛЛАЕВА, А МАМАЮСУПОВА, Т. ҲАСАНОВ,
Тошкент вилояти, Бўка районидаги ўқув ишлаб чиқариш комбинатининг усталари

Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги сизларнинг мактубларингизни кўриб чиқиб шуни маълум қиладики, ишлаб чиқариш таълими усталари иш куни чекланмаган ходимлар тоифасига киради ва уларга таътил 24 иш куни миқдорида белгиланган.

Мактаб ўқитувчилари учун кўзда тутилган ставкалар бўйича соатбай ҳақ тўланадиган ўқитувчилик вазифасини ҳам бажарувчи усталарга йилига бажарилган 240 соатлик педагогик ишга тўланадиган иш ҳақи хисобидан 48 иш куни миқдоридаги таътил учун ҳақ тўланади:

$$\frac{\text{240 соат учун иш ҳақи}}{25{,}4} \times 48$$

Уста лавозими бўйича таътил ўқитувчи лавозими учун таътил билан бир вақтда берилади.

Уста лавозими бўйича таътил тугагач, ходим уста вазифасини бажаришга киришади ёки ўқув юрти маъмурияти билан келишиб қолган кунлар учун ҳақ тўланмайдидиган таътил олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 15-июлдаги 254—Ф-сонли «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги фармойишига биноан барча турдаги ўқув юртлари, шу жумладан ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари хусусийлаштирилмайди.

Ўқув ишлаб-чиқариш комбинати ҳузурида кичик корхона очиш учун маъмурият маҳаллий ҳокимиятга тегишли илтимос билан мурожаат қилиши, шундан кейин ўзининг юқори ташкилотидан руҳсат олиши керак.

31 йил ўқитувчилик қилдим. 5 та фарзандни тарбиялаб етиштирганим учун 50 ёшдан 1991 йили нафақага чиқдим. Бир йил яна шартнома асосида ишладим. 1992—93 ўқув йилида ҳам ишламоқчи эдим. Собир Раҳимов номли мактаб маъмурияти сизга дарс йўқ, нафақага чиқдингиз, уйда ўтираверинг деб иш бермади.

Мен 55 ёшгача ишлашга ҳақлиманми йўқми?

М. ТОҒАЕВА,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари мажмуаси 41-моддасининг 11 — бандига биноан нафақа ёшига етган ва тўлиқ нафақа тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлган ходимлар билан меҳнат муносабатлари томонларнинг келишувига мувофиқ муддатли меҳнат шартномаси тузиш йўли давом эттирилади ёки маъмуриятнинг ташаббуси билан касаба уюшмаси қўмитасининг розилигига мувофиқ тўхтатилади.

Вафот этган нафақа олувчи ўқитувчиларнинг оила аъзолари унинг тириклигида белгиланган имтиёзларидан фойдаланишлари мумкинми?

М. ВАЛИЕВА,
Самарқанд вилояти.

Ўзбекистон молия вазирлигининг 1977 йил 13 январдаги 05—21 рақамли кўрсатма хатига биноан нафақа олувчи ўқитувчининг тириклигида барча имтиёзлардан баҳраманд бўлган оила аъзолари унинг вафотидан кейин мавжудимтиёзларданташқари яшаб турган квартираларидан ҳам текин фойдаланишга ҳақлидирлар. Мабодо нафақа олувчи ўқитувчи тириклигида белгиланган имтиёзлардан фойдаланмаган бўлса, оила аъзоларига ҳам бу имтиёзлар берилмайди.

Биз кўп болалик оиламиз. Давлатнинг етти хоналик уйида турамиз. Отам оддий ишчи, онам уй бекаси. Отам шу яшаб турган уйимизни укамнинг номига ўтказиб қўймоқчи. Бувам ва бувимлар бу уйда қизимизнинг ҳам ҳақи бор, деб даво қилишаяпти. Уйни қайси бирлари сотиб олишлари мумкин? Уйимиз торлик қилгани учун бизга ер участкаси ҳам берилган, у ерга уй-жой қурмоқчимиз. У ерни хусусий мулк қилиб сотиб олишимиз мумкинми?

И. ШАМСИЕВА,
Тошкент вилояти, Зангиота райони Эшон-Гузар посёлкаси

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ерга иморат қуришингиз мумкин, аммо ер тўғрисидаги қонунга мувофиқ ер давлатникидир, у сотилмайди. Давлат ёки идораларнинг уйларида яшаётганлар ўзлари яшаб турган уйларни ўзлари билан яшаётган барча балоғатга етган оила аъзоларининг розилиги билан ўз номларига хусусийлаштиришлари мумкин.

Хусусий бўлмаган мулкка, у қайси кўринишда бўлишидан қатъий назар, уй-жой кўринишидами ёки бошқа мулк кўринишидами унга ворислик ҳуқуқи татбиқ этилмайди.

Жомбой райони ижроия қўмитасида қабулхона котибаси бўлиб ишлар эдим. Ҳозирда иккита ёш болам бўлганлиги учун декрет таътилидаман. Оилавий иқтисодий аҳволнинг оғирлиги туфайли ишламоқчиман. Илгариги ижроқўм ҳозирда район ҳокимлигига айланган, ўз иш вазифамни талаб қилсам ҳокимлик мени тан оладими?

Декрет таътили даврида бошқа бир идорада ишлашим мумкинми? У ердан болаларимга нафақа оламанми? Биринчи иш жойимдаги бухгалтер таътил даврида ишга чиқсангиз болалар учун умуман нафақа олмайсиз, деяпти, ҳужжатларингизни кейинги иш жойингизга топширинг деяпти. Шу тўғрими?

Бундан тўрт йил аввал РАПОда ишлаган вақтимда ўша идорадан менга уй берилган. Ҳозирда ҳамма уйлар ҳусусийлаштирилмоқда. Мен билан бирга 30 йиллик ўқитувчилик иш стажига эга бўлган қайнонам яшайди. Уйимизни ўша кишининг номига текинга хусусийлаштирса бўладими?

М. ЖЎРАЕВА,
Самарқанд вилояти, Жомбой шаҳри А. Қурбонов кўчаси 53-уй, 16 квартира

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 4 январдаги «Маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил қилиш» ҳақидаги қарорига биноан жойларда халқ депутатлари кенгашининг ижроя қўмиталари ўрнига Ҳокимнинг ижроия аппаратлари ташкил этилган. Бу аппарат аввалги ижроия қўмиталарининг функцияларини бажаради.

Амалдаги меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуасининг 197 моддасига биноан 10 ойлик ёш болангиз бўлганлиги туфайли сизни маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди. Юқоридаги ўзгаришни инобатга олган ҳолда сиз албатта иш билан таъминланишингиз керак.

Ёш боласига қараш учун қўшимча отпускада бўлган аёллар ҳоҳлаган вақтларида отпускани тўхтатиб ишга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ҳолатда болага тўланадиган нафақа миқдори ойига 120 сўм (1 октябрь 1992 йилдан) ни ташкил этади. Ўриндошлик бўйича бошқа ташкилот, муассаса, корхонада ишлаши учун асосий иш жойидан бўшаш шарт эмас.

Республика Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги фармонига биноан ўқитувчилар ёки камида 10 йил шу соҳадаги меҳнат стажига эга бўлган шахсларга уй-жой кимга қарашли бўлишидан ва ордер кимнинг номига расмийлаштирилганидан қатъий назар бепул шахсий мулк қилиб берилиши керак.

Демак сизнинг қайнонангиз ҳам шу ҳуқуқдан фойдаланадилар.

ҲАСРАТИМНИ КИМГА АЙТАЙ?..

ТАҲРИРИЯТГА келаётган хатлар муаллифлари шундай мураккаб даврда одамлар бир-бирларига ёрдам бериш, мушкулини осон қилишга кўмаклашиш, жонига аро кириш ўрнига арзимаган баҳоналар билан айримларнинг отангга бор, онангга бор қабилида иш тутилаётганлиги тўғрисида ёзадилар. Бирон етишмовчилик ёки зарурат юзасидан мурожаат қилаётган жойларида узоқ-узоқ кутиш, айрим идора эшиклари олдида сарғайиб кун ўтказишларига тўғри келмоқда. Идора ходимларининг ҳаммаси ҳам уларнинг илтимослари, муҳтожликларини қондириш учун астойдил жон куйдиришдай муносабатда бўлаётганлари йўқ, ҳамма вақт ҳам уларнинг қонуний талабларини қондириш, арз-шикоятларини эса вақтида кўриб чиқиб, тадбирчоралар қўллаётганлари йўқ. Натижада сарсон бўлиб, кимга дардларини айтишни билмай кўпларнинг боши қотмоқда, кўплар ранжишмоқда, ҳафсалалари пир бўлиб, ҳаётдан совишмоқда ҳатто.

«Мен 1973 йилдан бери Наманган вилояти «А. Навоий» жамоа хўжалигида сувчи бўлиб ишлаб келардим,— деб ёзади ана шундай хат муаллифларидан бири Нажмиддин Абдуллаев,— **1991 йилдан пахта ишига ўтганман. Шундан бери нимагадир хўжалигимиз раҳбарлари менга нисбатан тўнини терс кийиб олди. Ҳатто ўтган йил охирида ҳамма қатори оладиган йиллик ҳалол ишлаган ҳақимни ҳам бермай сарсон қилишмоқда. Бригада бошлиғи Тошпўлат Иброҳимов берган менинг меҳнат ҳақим тўғрисидаги маълумот беинобат қолиб кетди. Бу ҳақда раисимизга мурожаат қилдим. Ундан ҳам лом-лим чиқмаётир. Ахир оддий дала ишчисининг йил бўйи қилган меҳнат ҳақидан бўлак қандай даромади бўлиши мумкин? Уни ҳам вақтида ола-олмаса, тирикчилиги қандай ўтсин? Наҳотки шуни тушинишмаса, деб куйинаман. Ҳар ким билганча иш тутиб бошқа билан иши бўлмайдиган замонми ё..?»**

«1984 йили давлат хўжалигимиз бўлим бошлигининг тазйиқи билан очиқ ҳолда «дуст» ташиб, заҳарланган эдим. Бир неча йил давомида даволандим,— деб ёзади Сирдарё вилоятидан Облоқул Одилов,— **Охири бўлмай ногиронлик нафақасига чиқдим. Аммо қонун бўйича ҳозирги кунда ҳам давлат хўжалиги умумий нафақамга қўшимча икки минг сўмдан тўлаш ўрнига ҳамон 800 сўмдан оширмаётир. Бу борада касаба уюшмалари агросаноат қўмитаси, вилоят кенгашига мурожаат қилдим. Улар менга қўшимча ҳақ тўланишини сўраб, хат ёзиб беришди. Бироқ, хўжалигимиз директори буни эшитгиси ҳам келмайди. Шунчалик тошбағирлик бўладими? Ахир, мен соғ бўлганимда бошқалар сингари етти мингдан кам маош олмай ишлаётган бўлардим. Иложим қанчаки, хизмат пайтида шундай аҳволга тушганман. Соғлигимни қайта тиклашнинг эса имкони бўлмаётир. Бунинг устига ейман, кияман, деб турган олти фарзандим бор...»**

Яна шунга ўхшаш Фарғона вилояти, Бешариқ райони «Намуна» давлат хўжалиги аъзоси Ҳасан Хотамовдан, иккинчиси Самарқанд вилояти, Қаттақўрғон районилик Ўктам Қиличевдан — бир жуфт хат:

«Икки оёқсиз ногирон бўлганим учун республика таъминот вазирлиги томонидан менга велоаравача ажратилганлиги ҳақида хат олган эдим,— деб ёзади Ҳасан Хотамов,— **Шунга ҳам бир йилдан ошди. Аммо велоаравачадан дарак йўқ. Вилоят таъминот бўлимига бир неча бор мурожаат қилдим — фойдасиз. Мен эса ўрнимдан силжий олмайман. Шунинг учун аравача жуда-жуда зарур эди. Хўш, қачонгача кутаман яна? Аравача бўладиган нарсами — йўқми — ҳеч кимдан тайинли жавоб ололмай ҳар куни қон йиғлагудай бўламан...»**

«1989 йили оиламиз билан акам Нажмиддин Қиличев бошчилигида беш қути ипак курти олиб, боққан эдик. Районда биринчи бўлиб, энг юқори сифатли пилла олиб, режамиз жуда мўл бажарилди. Бунинг эвазига «Жигули-2106» енгил машинаси ваъда қилинди. Район ҳисобот мажлисида бир овоздан қарор қабул қилиниб, бизга мужда кулиб боқканидан бошимиз кўкка етган эди. Бироқ, бекорга суюнган эканмиз. Бизга ажратилган мукофот фақат қоғозда эълон қилинган экан, холос. Район раҳбарларига учрашдик, вилоят раҳбарларига бордик. Аввалига ана-мана, деб юриб, охири бари чиппакка чиқди. «Сизларга ҳеч қанақа машина йўқ», деб жавоб қилишди. Ана сизга ваъдалару ваъдага вафолар. Шундан кейин кимнинг гапига ишониш мумкин?»

Дарҳақиқат бундай муносабатда бўлинаверса, оддий фуқаро кимга ишонади?

Биринчи хат муаллифи **«Ҳеч кимдан тайинли жавоб ололмай ҳар куни қон йиғлагудай бўламан»**, дейди. Унга тушинмоқ учун ҳар ким ўзини унинг ўрнига қўйиб кўрмоғи керак. Аксинча, юраги жиз этмайди асло. Терисига нам юқтирмаслиги ҳам мумкин. Бундайлар эса инсон қадрига етмайди ҳеч қачон. Энг ёмони — алдаш. Ваъда бериб қўйиб, уни бажармаслик. Қўлидан келган одам умрини гаровга қўйиб бўлса ҳам айтганини бажаради, қўлидан келмаганлар учун минг хил баҳона кўндаланг. Лекин одамлар сенга ишониб, кейин алдангач не аҳволга тушиши билан ишлари йўқ. Бундайлар ҳақида халқда шундай нақл бор: кўзи кўр бўлгандан юраги кўрлик ёмон.

Яна шунга ўхшаш бир хат билан танишинг:

«Ҳурматли «Ишонч»!

Бизнинг Хазорасп районида маст-аласт, безорилардан ҳимоя қилувчи ҳуқуқ ва тартиб посбонлари бўлмагани учун сенга шикоятимни ёзмоқдаман,— дейди «Хоразм» жамоа хўжалигининг 13 бригада аъзоси Ҳайитжон Оллаёрова,— **12 ноябрь куни кеч соат 10 яримларда бетакаллуфона икки киши — ака-ука Баҳодир ва Даврон Аҳмедовлар уйимизга бостириб кириб, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, дағдаға кўтаришди. Қайнонам билан қайнотам тартибга чақириб, уларни тинчитиқган бўлишди. Улар чиқиб кетишди-ю, кўп ўтмай яна кириб, эримни калтаклай бошлашди. Уйимизнинг деразаларини чилпарчин қилишди. Ўртага тушиб, ажратмоқчи бўлган мен ҳам таёқдан бенасиб қолмадим. Ҳомиладор эдим, қаттиқ лат еб, қуладим. Эрим бир илож қилиб, қочиб қолди-да, милицияга хабар берди. Аммо улардан дарак бўлмади. Фақат «Тез ёрдам» етиб келиб, мени туғруқхонага олиб кетди. 20 кун даволандим. Шундан кейин участка инспектори бизлардан тушинтириш хати ёздириб олди. Барибир безориларга қарши ҳеч қандай чора кўрилмади. Улар ҳамон керилиб юришибди. Кўчакўйда текканга тегиб, тегмаганга кесак отишади. Аммо милиция ходимлари ҳам, биз арз-дод қилган район прокурорлиги ҳам парвойи-палак. Бундай лоқайд муносабатлар қачон тугайди?»**

Юқоридаги хатларда айрим раҳбар ходимларнинг элга ваъда бериб қўйиб бажарилмаганлиги баён этилган бўлса, бунисида милиция ходимлари жабрланувчиларга умуман ёрдам бермаганликлари ёзилган. Шунинг учун бу хатга изоҳ бериш ҳам ортиқчадир. Аммо улар тўғрисида озми-кўпми фикр юритганимизни ўқиб кўриб, бирон хулосага келишар ва ўз мулоҳазаларини таҳририятимизга ёзиб юборишар, деган умиддамиз.

БУНЁДКОРЛАР

ҚАШҚАДАРЁ вилоятининг Косон райони Холмурод Очилов раҳбарлик қилаётган хўжаликлараро қурилиш-таъмирлаш корхонаси бунёдкорлари 1992 йилни 4 миллион 376 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва 484 минг сўмлик аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ишларини бажариш билан якунладилар.

Қурилиш участкалари бошликларидан Олтибой Илёсов, Нарзулло Ҳакимов, Ғайрат Йўлдошев, Бахтиёр Қўйбоқаров, бригада етакчиларидан Дилли Холматов, Шуҳрат Номозов, Сайфулла Чориев, Ҳақназар Қаримов, ишчилардан Баҳодир Раҳматов, Ҳимоят Рустамов, Амир Илёсов, Шуҳрат Бозоров, Нуркул Жуманазаров, Баҳодир Абдуллаев, Бахтиёр Ёдгоровлар бунёдкорлик ишларининг моҳирлари саналади. Район «Насаф» давлат хўжалигининг чорвадорлар биноси ва чўпонлар уйи, «Косон», Беруний ва Энгельс номидаги давлат хўжаликларидаги бир қатор дала шийпонлари, Гўбалик қишлоғининг маиший хизмат уйи, Раҳимсўфи қишлоғининг шифо маскани тез ва соз тикланишида ҳам ана шу қалби қайноқ бунёдкорлар хизматлари катта бўлди. Биргина Олтинбой Илёсов бошлиқ қурилиш участкасида иш олиб боришаётган Дилли Холматов ва Ҳимоят Рустамовлар бошлиқ бригадаларнинг йигирма кишилик жамоаси ўн ой ичида режадаги бир миллион 142 минг сўмлик ўрнига бир миллион 252 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга ҳамда шу ҳисобдан «Темирхўжа» жамоа хўжалигида 420 минг сўм қийматга эга бўлган чойхона, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида 80 ўринли, «Қўнғиртоғ» давлат хўжалигида 60 ўринли чойхона бинолари муддатида фойдаланишга топширилишига муваффақ бўлишди.

Шу жумладан Пўлати қишлоғидаги Анор Жумаев номли мактаб, «Гулистон», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларидаги марказий болалар боғчаяслилари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Холмурод Очилов ўз корхонаси қошида кичик корхона ҳам очишга эришди. Енгил блок ғиштлар ишлаб чиқариш, дурадгорлик, ёғочсозлик ишлари билан шуғулланувчи бу кичик корхонанинг ташкил этилиши ҳозирги шароитда корхона учун айни муддао бўлади. Фарид Эрматов бошлиқ кичик корхона аъзоларидан Ашур Абдуллаев, Зиёдулла Баташов, Самад Нормўминовлар томонидан тайёрланаётган ғишт, эшик, ром ва бошқа қурилишга зарур бўлган буюмлар корхона қурувчиларининг ишларини янада тезлашишига катта ёрдам бермоқда. Ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан корхона қурувчиларинигина таъминлаб қолмасдан, бу маҳсулотларнинг ортиқчасини аҳолига сотишни ҳам йўлга қўйишган. Ҳа, Холмурод Очилов доимо изланишда, ҳаракатда. 1993 йилга мўлжаллаган режалари ҳам жуда катта. Кичик корхоналар сонини кўпайтириш, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш, корхона ишчиларини бепул иссиқ овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга эришиш хусусида ҳам жиддий бош қотирмоқда.

Нормат ТОҒА.



ҚЎЛИ ГУЛ УСТА

Самарқанд вилояти аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уйининг Жомбойдаги «Орбита сервис» радио телевизор созлаш устахонасининг техниги Баҳодир Аллаёров телевизорларни созлашда «қўлдан кетгунча, эгасига еткунча» қабилида иш тутмайди. У телевизорларни сифатли созлаши билан буюртмачиларнинг ҳурматини қозониб келмоқда.

Суратда: Б. Аллаёров навбатдаги ойнаи жаҳонни созлаётган пайти.

Г. Абдурахимов олган сурат.

АРАБЧА ЛИБОСЛАР ТАЙЁРЛАНДИ

Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Ўсмат тикувчилик корхонаси яқинда хайрли ишга қўл урди. «Ўзбекфильм» студияси буюртмасини бажарди. «Ислом динининг Ўрта Осиёга кириб келиши» фильмида ўйновчи артистлар учун арабча либослар тикиб берилди.

— Жамоамиз 1000 дона қўйлак-лозимлар тайёрлаб беришди — дейди биз билан суҳбатда корхона раҳбари Абдукарим Эсонов — Буюртмачилар ишимизни юқори баҳолашди. Бундан ҳақли равишда фахрланмоқдамиз.

«ИШОНЧ» мухбири.

Таҳририятимизга келаётган бир туркум хатларда газетхонлар республикамиз Президентининг фармонларига мувофиқ ҳозир болалик оилаларга, айниқса болаларга ва ёшларга берилаётган нафақалар ҳамда товон пуллари хажмида қандай ўзгаришлар содир бўлганлигини билиш истагини билдиришибди.

Мухбиримиз илтимосига кўра газетхонларнинг саволларига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг демография, ёшлар, аёллар ва оилани социал ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Омон ЭРГАШЕВ жавоб беради.

Хабарингиз бор, 1992 йил 8 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1992 йил 1 октябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармони эълон қилинган эди. Шу фармон асосида болалик оилаларга, болаларга ва ёшларга бериладиган нафақа ҳамда компенсация (товон) тўловларининг янги ҳажмлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат, Молия, Таъминот вазирликлари томонидан республика касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан келишилган ҳолда белгилаб чиқилди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Фарзанд туғилиши муносабати билан бир йўла нафақа миқдори республикада қабул қилинган энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан икки барвар ҳажмида қилиб белгиланди. Яъни, бугунги кундаги энг кам иш ҳақига нисбатан олганимиздан бу нафақа миқдори 5000 сўмни ташкил этади.

2. Боласи 1,5 ёшга етгунча унинг тарбияси билан шуғулланувчи, бир йил ва ундан ортиқ иш стажига эга бўлган оналарга (18 ёшга тўлмаган оналарга иш фаолияти муддатидан қатъий назар); ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган оналарга; муддатли ҳарбий хизматдаги шахсларнинг болаларига; васийликка олинган болаларга; болалар уйи (мактаб — интернатлар) тарбиясида бўлган ёлғиз оналарнинг (бева аёллар ва эркаклар) болаларига бериладиган ҳар ойлик нафақа пули миқдори 165 сўм қилиб белгиланди.

3. Олти ёшдан 16 ёшгача (стипендия олмайдиган ўқувчилар 18 ёшгача) боласи бўлган ёлғиз аёлларга; ота-онаси алимент тўлашдан бош тортиб юрган ёки қонунда кўзда тутилган ва алимент ундириш мумкин бўлмаган тақдирда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларга ҳар ойда бериладиган нафақа миқдори — 135 сўм.

4. Боласи 1,5 ёшга етгунча унинг тарбияси билан шуғулланувчи, иш стажи бир йилга етмаган ва ишламайдиган аёлларга; 6 ёшгача бўлган боласи бор ёлғиз аёлларга; ота-онаси алимент тўлашдан бош тортиб юрган ёки қонунда кўзда тутилган ва алимент ундириш мумкин бўлмаган тақдирда 6 ёшгача бўлган болаларга ҳар ойда бериладиган нафақа миқдори — 120 сўм.

5. 1,5 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун ҳар ойда бериладиган нафақа — 120 сўм. Бу нафақа жами даромади оиланинг ҳар бир аъзосига ҳисобланганда энг кам ойлик иш ҳақидан ошмайдиган (ҳозирги кунда 2500 сўм) болалик оилаларга тўланади.

6. Олти ёшдан 16 ёшгача (стипендия олмайдиган ўқувчилар 18 ёшгача) бўлган болаларга ижтимоий таъминот ташкилотларидан ҳозирги кунда амалда бўлган пенсия пулларини олмаган тақдирда ҳар ойда 60 сўм нафақа тўланади. Бу нафақа ҳам жами даромади оиланинг ҳар бир аъзосига ҳисоблаганда энг кам ойлик иш ҳақидан ошмайдиган болалик оилаларга тўланади.

7. Болалар учун керакли маҳсулотлар ассортименти ва мактаб кийим-кечаклари нархларининг қимматлашиб кетганлиги муносабати билан бериладиган компенсация тўловлари ҳажми қуйидагича белгиланади (бир йил ҳисобида):

6 ёшгача бўлган болалар учун — 600 сўм.

6 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар учун — 660 сўм.

13 ёшдан катта бўлган кундузги умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун — 795 сўм.

Ҳукумат қарорлари асосида тўла равишда кийим-кечак ва овқат билан таъминланмайдиган ҳунартехника билим юртлари ўқувчилари учун — 795 сўм.

13 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга ва ёшларга:

техникум ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларига, олий ўқув юртлари талабаларига стипендия билан бир қаторда — 420 сўм. Ногиронларга (социал таъминот ташкилотлари орқали) — 420 сўм.

Кўрсатилган компенсация тўловлари йилнинг ҳар бир чорагида тенг қисмларга бўлинган ҳолда тўланади. Бу тўловлар жами даромади оиланинг ҳар бир аъзосига ҳисобланганда энг кам ойлик ҳақидан ошмайдиган болалик оилаларга тўланади.

Ҳар бир оила аъзосига ҳисобланадиган жами даромад ўтган йил маълумотлари асосида белгиланади.

Ёлғиз оналарга, ажралишган оилалардаги болаларга нафақа ва компенсация тўловларини белгилашда оила даромади ҳисобга олинмайди ва оила даромади тўғрисидаги ҳужжат талаб этилмайди.

Нафақа ва компенсация тўловлари онанинг асосий иш жойидан берилади, агар она ишламаган тақдирда отасининг ёки улар ўрнини босувчи шахс ишлайдиган жойдан берилади. Бошқа ҳолларда нафақа ва компенсация ота-она (ёки уларни ўрнини босувчилар) истиқомат жойидаги социал таъминот бўлимлари орқали тўланади.

Мен асли 1933 йилда туғилганман. Лекин давлат гувоҳномаси 1937 йилга келиб берилгани учун шу сана ҳозирга қадар ҳақиқий ҳисобланиб келинмоқда.

Айтингчи ҳужжатларимни 1933 йилда туғилган деб ўзгартириб, 1993 йилда пенсияга чиқишим мумкинми?

Холбой ОРИПОВ,
Жиззах вилояти,
Ғаллаорол шаҳри,
Ш. Рашидов кўчаси.

Бунинг учун ўзингиз яшаб турган район судига, амалдаги Ўзбекистон Республикаси гражданлик процессуал кодексининг 289 моддасига биноан гражданлик ҳолати ёзувларидан нотўғриликни белгилаш ҳақида ариза билан мурожаат этишингиз керак бўлади.

Аризангиз гражданлик ҳолати актлари дафтаридаги ёзувларнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги, қачон ва қайси гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш органи қилинган нотўғри ёзувни тузатишни рад этганлиги кўрсатилиши лозим.

Суднинг Сизнинг бу масалангиз юзасидан қарори бўлган тақдирда амалдаги фуқароларни нафақа билан таъминлаш ҳақидаги қонунга асосланиб ўз мақсадингизни амалга оширишингиз мумкин.

Узоқ вақтдан буён кино ва театрга тушмайман. Қишлоқда кинотеатр йўқ. Вилоят марказидаги томошохоналарга бориб-келиш учун йўл кира осмонлаб кетган. Ҳозирги иқтисодий танглик пайтида кино ва театрларга кириш паттасининг нархи ҳам ошганми? Шу ҳақда маълумот берсангиз?

М. ҚУДРАТОВ,
Қашқадарё вилояти, Чироқчи райони.

Кино-театрларга кириш ҳақининг қандайлиги ҳақидаги савол билан Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси молия ва режалаштириш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчиси Д. И. Йўлдошевага мурожаат этдик. У кишининг жавоби шундай.

Аввало шуни айтишим керакки, республикамиздаги кўплаб кинотеатрлар зиёнга ишлаяпти. Кейинги пайтда киноаппаратлар, кинопленка ва бошқа ашъёлар нархининг ошиб кетганлиги дард устига чипқон бўлди. Шунга қарамай аҳолига кино хизмати кўрсатиш ҳақини жудаям кўтармасликка келишилди. Янги йилдан бошлаб бир сеанс (бир серияли фильм) учун 8—12 сўм, болалар учун эрталабки сеансга 3 сўм қилиб белгиланди. Ўйлаймизки, бу унчалик қиммат эмас. Чунки Олмаотада бир сеансли кинога кириш ҳақи 20 сўм, Москвада 30 сўмни ташкил этади. Республикамиз ҳукумати аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида кино-театрлар келтирган зарарни қоплаш учун маблағ ажратаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг бош мутахассиси Нодир Норматов театрларга кириш нархининг қандайлиги хусусидаги саволга қуйидагича жавоб қилди.

Давлатимиз маданият ва санъатни ривожлантиришга доимо катта эътибор бериб, унинг учун етарли миқдорда маблағ ажратиб келаяпти. Мустақил Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти халқимизнинг маданиятини, қадрият ва анъаналарини тиклаш ва такомиллаштиришга асосий диққатини қаратмоқда. Театрларнинг билетлари нархига келсак, шуни айтиш керакки, нарх-наво кескин кўтарилиб бораётган бўлсада биз билетлар нархини унча юқори қилиб белгиламаяпмиз. Ҳозирда оддийгина ошхонада тўйиб овқатланиш учун ҳаражат 40—50 сўмни ташкил этса, бир марта спектал томоша қилиш ўшанинг ярим қийматига тенг холос, яъни 20—25 сўм.

Янги йилда Республикамизнинг барча театрлари қизиқарли репертуарлар билан бойимоқда. Театрга тушган одам пулига куйиб қолмайди.

Мен 1944 йилнинг охиридан то 1945 йилнинг августигача Семипалатинск шаҳрида ҳарбий хизматда бўлдим. Кейинчалик Япон урушига юборилдим, лекин соғлигим туфайли урушда қатнаша олмадим, аммо хизматни Приморск ўлкасида то 1950 йилгача давом эттирдим. Менга уруш қатнашчиси сифатида имтиёзлар бериладими?

А. ЗИЁБОЕВ,
Наманган вилояти, Янгиқўрғон райони.

Улуғ Ватан уруши даврида ҳаракатдаги армияда хизмат қилган ҳарбий хизматчиларга Ҳарбий комиссариатлар томонидан гувоҳномалар берилади. Имтиёз бериш учун шу гувоҳнома асос бўлади.

Сизга комиссариат гувоҳнома бермаган, шу сабабли имтиёзлардан фойдалана олмайсиз.

ИМОМБОЙ БЎЛИНГ

Бу одамнинг таржимаи ҳоли содда ва оддий: Маҳмуджон Тўхтаназар ўғли, 1925 йилда Тўрақўрғон районининг Бекобод қишлоғида туғилган, 1947 йилдан бери Мирзачўлда. Ўнбир фарзанднинг отаси, умр йўлдоши Хасиба опа. Маҳмуджон Тўхтаназар ўғли — ўзбек, Хасиба опа — крим татар.

Кўпинча «Маҳмуджон ака қайси ишлари билан халқ назарига тушди» деган саволга жавоб излайман. Шунда хаёлимга қирқинчи-эллигинчи йиллар келади. Биз бир маҳаллада яшамасак ҳам «Қўшкан кўча» деб номланган маҳаллага кўп борар эдим. Бу маҳалланинг Киров номли каналга бориб тақаладиган бир чети қалин ғишазор ва чангалзор бўлиб, эртаклардаги тўқайзорларга ўхшаб кетарди. Маҳмуджон ака шу тўқайзорнинг бир парчасини очиб, ўзига томорқа қилди. Аввал чайлада яшаб, кейинроқ кичиккина уй қуриб олди. Кўп ўтмай бу ерда Наманганнинг сархил мевали дарахтларию турли-туман сабзавот-полиз экинлари сероб бўлди. Маҳмуджон ака, айниқса, сабзи етиштиришнинг миришкори сифатида машҳур эди. Тўй қиладиган одамлар бозорга эмас, шу кишининг уйига келишарди.

Йигирма йилча бўлди, Маҳмуджон ака ҳамма иззат қилиб, уйларининг тўрига ўтказадиган кишига айланди. Бу иззатнинг бошланишига аввало жамоа хўжалигининг ўша пайтдаги ҳосилоти, марҳум Мирзаахмад ака Раҳимов сабабчи бўлди.

— Маҳмуджон, — деди у бир куни, — уйингиз қабристонга яқин. Ҳаммамиз борадиган жой бу. Шу ерни сиз обод қила оласиз. Иннайкейин оғзингизда калимаи шаҳодатингиз бор. Мана Абдали ака Дўстматов ҳам қариб қолдилар, гўрковликни ҳам ўрганинг. Бу савоб ишга сиздақа ҳалоли пок одам керак.

Саховатпарвар Маҳмуджон акага бу гаплар яна бир туртки бўлди. У белни маҳкам боғлаб ишга киришди. Шу йигирма йил ичида қилган ишларини ҳикоя қиладиган бўлсак, анча вақт ва қоғоз керак. Шу сабабли, менинг назаримда, энг муҳимдай кўринган биттасини гапириб қўя қолай.

Юртимизда илгари қабристонлар қандай манзарага эга бўлгани кўпчиликка маълум. Сукутгоҳларнинг ваҳимали қиёфасидан кундуз куни ҳам одамнинг эти жунжикарди. Маҳмуджон ака қабристоннинг шу совуқ кўринишини юмшатишга, илитишга киришди. Сукутгоҳнинг атрофига чуқур зовурлар тортилиб, панжара билан ўралди, дарвозалар қурилиб мол-ҳол кирмайдиган қилинди. Энди дарахт, кўпроқ мевали дарахт экиш зарур эди. Ана шу ишда Маҳмуджон аканинг саховати якқол намоён бўлди.

У ҳеч кимдан ёрдам сўрамади. Тўғри, одамлар ҳашар ишларига ҳамиша шай туришди. Лекин кўчат ўтқазишни Маҳмуджон ака ўз зиммасига олди. Мана энди кент майдондаги кўҳна сукутгоҳнинг уч тарафи мевали дарахтларга лиқ тўла. Буларнинг энг кўпи — бодом. 4—5 йилдан бери ёнғоқлар ҳам мева бера бошлади. Ўрик, беҳи, гилос, олхўри... — ҳамма мевадан бор. Бутун ҳосил йиғиб олиниб, ўз мавридида ишлатиш учун сақлаб турилади. Ҳозир бу ердаги дарахтлар бир минг тупга бориб қолди. Маҳмуджон ака уларни саралашни, тупини, навини кўпайтиришни давом эттираяпти. Ўрик, бодом, ёнғоқ, шафтоли кўчатлари учун ер ажратибди. Данак ва уруғлардан экиб ундириб кейин муҳтож одамларга текин бермоқчи.

— Бир иш қилдим, юринг, кўрсатай, — деди Маҳмуджон ака. Мен унга эргашдим.

— Мана, — деди у янги теракзорга ишора қилиб. — Гапнинг рости, мен терак шайдосиман. Бундан йигирма беш йилча бурун «Сирдарё ҳақиқати» вилоят газетасида ишлаганимда «Нега терак экмайсиз» сарлавҳали мақола ёзиб, давлат ёғоч берса, дала шийпон қурамиз, деб қўл қовуштириб ўтирган раҳбарларни танқид қилган эдим. Афсуски, у даврда бу даъват қўллаб-қувватланмади. Мана энди тўсинбоп бир дона тахтани фалон сўмга сотишяпти. Бир дона етилган терак беш юз сўм бўлса керак. Эҳтимол, ундан ҳам қимматроқдир. Шуларни ўйлаб, ҳаяжонимни яширолмадим:

— Раҳмат, Маҳмуджон ака, Имомбой бўлинг!

— Биласизми, буларни нима мақсадда экдим, — деди Маҳмуджон ака. — Тераклар кўз очиб юмгунча етилади. Насиб қилса, уларни муҳтож одамларга, биринчи навбатда бева-бечораларга бепул берамиз. Бировга ўнта терак берсангиз, камида ўттизта ёғоч чиқади. Бу ерда минг тупдан ортиқ.

Сукутгоҳ дарвозасидан чиқаётиб, ортга қайрилиб қарадим. Қабристон четларида узоқ-узоқларга чўзилган мевали дарахтлар қатор-қатор. Мачит учун қурилган бинонинг атрофидаги дарахтлар, азамат чинорлар ҳовуз атрофида саф тортишган. Шуларни кўриб, Маҳмуджон акага ихлосим яна ошди. Қани энди кўпчилик одамлар шу кишига ўхшаган бўлишса.

Раҳмат, Маҳмуджон ака, умрингиз, ризқингиз, имонингиз эккан дарахтларингиздай мўл-кўл бўлсин!

Саминжон СУЛТОНОВ,
Гулистон районидаги Қуйи татар қишлоғи.



Инсон ақли, нозик диди, чевар, зукко қўллари билан яратилган бу биноларнинг, минораларнинг асрлар оша яшаб келаяпти. Биз бугун ота-боболар меҳнатини, тарихини кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз, қадимий санъат сирларини синчков ўрганишимиз лазурдир.

Хива шаҳри кўринишини М. БОЛТАБОЕВ суратга олган.

АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАРИМ

ЎЗБЕК тилига давлат тили мақоми берилганига уч йилдан ошди. Бу давр ичида тилимиз таркибига қўшилган кўп сўзлардан халқимиз бахраманд бўлмоқда.

Лекин айрим ясама, аввалги ишлатиб келинган сўзлар ўрнига айнан ўша сўзнинг маъносини бермайдиганларни ишлатмоқдамиз. Бу ўз навбатида ғашингни келтиради, фикрни чалкаштиради, тилни сохталаштиришга олиб келади.

Мен бу соҳанинг олими эмасман. Лекин тил билими фани бўйича озроқ тушунчага эгаман. Шу сабабдан шахсий фикрларимни Сизлар билан ўртоқлашмоқчиман. Масалан, журнал сўзи ўрнига «ойнома» қўлланилмоқда. Бундай ясама сўздан кўра аввалги «Журнал»ни ишлатаверсак биров бизни айблайдими? «Газета» сўзи ўрнига «рўзнома» ишлатилмоқда. «Рўз» тожикча сўз бўлиб, кун, кундалик маъносини билдиради. Нома эса ёзув, чизув маъносида ишлатилади. Агар ўзбек тилида айнан газета маъносини берадиган сўз бўлмаса, шу газетани газета деб ишлатевериш маъқул эмасми?

«Ансамбль» сўзи ўрнига «даста» ишлатилмоқда. «Даста» сўзини кетмон даста, бел даста, курак даста маъносида ишлатамиз. Шунингдек, ипак қурти ўрайдиган шохчани ҳам даста деб атаймиз. «Даста» ашулачи, рақсчилар гуруҳи маъносини берадиган, унга сайқал бағишлайдиган сўз эмас.

«Самолёт» сўзини «тайёра» деган ном билан ишлатилиши ҳам нотўғри. У жисм, буюм, от, ном маъносини бермайди. Бундай ясамачиликнинг кимга кераги бор? Шунинг учун ҳамма тушунадиган «Самолёт» сўзи ишлатилаверилсин.

Аэропортни «тайёрагоҳ» дейиш ҳам маъқул эмас. Халқимиз миясига сингиб кетган район — ноҳия, туман бўлиб кетмоқда. «Тилимизда «туман» сўзи ҳудуд, жой маъносидан анча узоқдир. «Туман» сўзининг жуда кўп бошқа ўринларда ишлатиладиган маънолари бор. Масалан, юзимни туман қилма, яъни уялиш, уялтириш, ранжиш, ранжитиш маъносида; Иккинчидан, оби ҳавога нисбатан, яъни туман тушиши, ҳавонинг хиралашиши, қоронғилик, атрофнинг қуюқ хиралашиши маъносида; Учинчидан, масофа, узоқ-яқинлик маъносида ишлатилади. Кўпинча чорвадорлар қўллайдиган сўз бўлиб, бир-бирларига «Қўйларинг, туманлар кетибди», яъни пастлаб кетибди, ёйроқлашиб кетибди, деб огоҳлантиришади. Хуллас, «туман» сўзининг район маъносига тўғри келмаслиги ўз-ўзидан маълумдир.

Институт, Университет сўзлари «олийгоҳ» деб ёзилмоқда. Институт ўз муддати, ўз юки, ихтисосли мутахассислар тайёрлаш усули бор-ку? Университетнинг ҳам ўқитиш муддати мутахассислигининг кўплиги билан ажралиб туради. Шундай экан, ўзига хос маъноларини англатмайдиган сўзларни тиқиштираверишнинг нима зарурати борлигига ҳайронсиз.

«Факультет» сўзи ўрнига ишлатилаётган «куллиёт» умуман илмга, фан тармоқларига алоқаси йўқ.

«Стадион» ўрнига «ўйингоҳ». Бу сўз стадион маъносини бермайди. Стадион деганда эса турли ўйинлар учун махсус жиҳозланган майдон кўз олдингизга келади-ку?

Тилимизда таътил сўзи авваллари ҳам ишлатилади. Лекин «таътил» отпуска, каникул маъносини берадиган эмас. Мехнат отпускаси, ҳомиладорлик отпускаси, бола тарбияси билан банд оналарга, ўқувчилар каникули каби кенг камровли, кенг маъноли сўзни таътил деб тор доирадаги маънога тенглаштириш ҳам инсофдан бўлмас. «Таътил» сўзи ёз пайтлари — эрталаб соат олтидан тушлик орасидаги ҳеч нарса истеъмол қилмасдан ишга кетилаётган соат 9—10 чамасида юрак толиқиб, корин очқайган, шу орада озгина тамадди қилиб олиш, нафасни ростлаш, танани бўш қўйиш пайтига айтилади.

Шу ўринда мен чет элда бўлган давримдаги воқеани мисол келтиргим бор: Польша, ГДРга саёҳатга борганимизда гуруҳимиздан бири бетоб бўлиб қолганда таржимонимиз билан уни касалхонага олиб бордик. Навбатчи врач беморнинг қиғлигини суриштира бошлади. Шунда гед (таржимон) билан врачнинг сўзларини диққат билан тинглаб турдим. Врач поляк тилида «может», «электр», «луна», «болезнь» ва бошқа кўплаб сўзларни ишлатарди. Мен ҳайрон бўлдим, чунки бу сўзларнинг ҳаммаси мен учун таниш ва тушунарли эди. Шундан маълумки, улар шу сўзларни Полякчага ағдариб ўзларича маъно бериб-бермайдиган ясама сўзлар ясашмабди-ку? Биров уларга русча сўз ишлатманг, деб таъбеҳ берган ҳам эмас.

Хуллас тилимизнинг софлиги учун, бойлиги учун, гўзаллиги учун курашганда маъни кўп. Менинг фикрларим шундай.

Ю. ШОИМОВ,
Дехкончилик саноати жамламаси ходимлари касаба уюшмаси
Яккабоғ район Қўмитасининг ранси

САҲОБА ҚЎНИМ ОЛГАН ЮРТДА

ҒАЛЛАОРОЛ районининг «Зарбулоқ» давлат хўжалигининг «Авлиё» қишлоғи доимо меҳмонлар билан гавжум. Тўғриғоғи қишлоқда иккита зиёратгоҳ жой бўлиб, меҳмонлар ана шу манзилни кўзлаб келишади. Бу зиёратгоҳ жойлар Муҳаммад Алайҳиссаломнинг энг суюкли саҳобаларидан бири Сайид Абу Ваққос номи билан боғлиқ.

Сайид Бин Абу Ваққос — буюк уламо бўлган. Ўша даврнинг китобларида ҳазратнинг 213 тур хислатлари борлиги таърифланади. Сайид Бин Абу Ваққос мусулмон лашкарларига кўп йиллар саркардалик қилади. Арабистондан ғарбий Украинагача, ғарбий Украинадан то Ҳиндистонгача ҳудуд аҳолисини муслим этишда катта ҳисса қўшган.

Ривоят этишларича, Сайид Бин Абу Ваққос ғайридинлар билан жанг қилиб чарчайди ва тахминан ҳозирги булоқлар ўрнига келиб тўхтайди. Лекин ўша вақтда бу сойлар қуп-қуруқ дашт ва сувсизликдан қақраб ётган сайҳонлик экан. Улуғ саҳоба сайҳонлик ичида ўратуриб, бенхтиёр «сув» дея, хитоб қилибди. Шу зоҳоти Оллоҳи Таоло қудрати билан ердан сув сизиб чиқа бошлабди.

Иккинчи зиёратгоҳ қабристондаги даҳма ва гор. Бу гор саҳобага алоқадор. Мусулмонлар шу ерга келиб, саҳоба руҳига тиловат қилишади... Ёлашади. Даҳма яқинида мачит мавжуд. Кексаларнинг айтишича, мачит бундан юз йиллар бурун қурилган. Ундаги гулдор нақшлар ҳамон сақланмоқда.

Мовараннаҳр диний бошқармаси раҳбарларининг айтишича, саҳоба Сайид Бин Абу Ваққос номи билан боғлиқ ушбу мачит Маккайи мунаввардаги олтин муқовали жаҳон мачитлари ҳақидаги китобга ёзиб қўйилган.

Тарихда «Авлиё» қишлоғи улуғ Саҳоба қадамжойи сифатида аъзоланиб келинган. Ҳозир ҳам бу жой эътиборда, эъзоза.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Халкимизда «Ҳунар — ҳунардан унар» деган доно мақол бор. Тошкентлик Абдурафиқ ота Абдурахмонов ясаган бежирим сандиқ ва қутилар келин-куёвлар уйини безайди.

Қўлларингиз сира толмасин, Абдурафиқ ота! Халқимиз ҳаётининг фаровон бўлишинга янада кўпроқ ҳисса қўшаверинг. Сизнинг ҳунарингиз авлоддан — авлодга етиб, халқ амалий санъатини янада бойитишга улкан ҳисса бўлиб қўшилсин.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МАДАНИЯТГА КИМ ҚАРАЙДИ?

АВВАЛ иқтисод, кейин сиёсат, деган гап бор халқда. Лекин кўпроқ иқтисод ташвиши билан бўлиб, китоб ўқимай қўйсак, газета-журналга қарамасак, театр томошаларига тушмасак, музейга, рассомларнинг асарлари қўйилган кўргазмаларга бориш учун вақт топмасак — ота-боболаримиз яратиб кетган бой тарихни қачон ўрганамиз? Келажакка, ҳа, эртанги кунимизга қандай тайёргарлигу қандай онг билан борамиз? Болаларимизни баркамол кишилар қилиб тарбиялашга ўзимизда қандоқ маънавий куч топа оламиз?

Қишлоқ кутубхоналари ҳеч қачон ўз вақтида очилмайди. Чунки кутубхоначининг маоши бошқа ҳар қандай касб эгасининг маошидан оз бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Кутубхона учун кўпинча энг тор, энг зах, қишда иситиш имконияти бўлмаган хоналар берилади. Ёки ўз ишини севмайдиган, маош олиб турсин учунгина ўтқазиб қўйиладиган одамлар кутубхоначи бўлишади.

Агар чароғон, чиройли, бағри кенг, иссиқ кутубхоналаримиз бўлса, янги китоблар тез-тез келтирилиб, кутубхонани ўз ишини севиб, изланиб ишласа — одамлар келишади, китоб олиб ўқишга вақт топишади. Хўш, клублар, маданият саройлари нима учун кўпинча ҳувиллаб ётади? Чунки одамларни қизиктира оладиган, ўзига оҳанграбодек торта оладиган нарсанинг ўзи йўқ ўша саройларда.

Маданият ва истироҳат боғларимизнинг нега аввалгидек гавжум бўлмай қолди? Гапнинг рости ёз ойлари ҳамма ҳам қимматбаҳо йўлланма олиб, курортларга боришга қодир эмас. Шунинг учун маданият ва истироҳат боғлари меҳнаткаш аҳолининг ишдан сўнг дам оладиган, маданий ҳордиқ чиқарадиган сўлим масканига айланмоғи зарур.

Яна айтаман, ошу нонимиз бор бўлсин, иноҳим. Лекин Ўзбекистон Мустақиллигини ошу нон билангина мустаҳкамлаб оламиз, десак камлик қилади. Маданиятимиз ошса, билимимиз кўпайса, қайфиятимиз яхши бўлса, ўша ошу нонга ҳам барака киради, ҳар қандай қийинчиликни енга оламиз. Юртимизда, оиларимизда тинчлик, осойишталик сақланади. Бирбиримизни тушуниб, меҳр-оқибат кўрсата оламиз, меҳнатга онгли муносабатда бўламиз.

Ушбу саволлар тинчлик бермай, Фарғона вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Сайдали Одиловга мурожаат қиламан. Кўпдан бери бу қийин, катта рўзғордек сертармоқ ишга мутасадди бўлиб келаётган, талай маданий-маърифий муассалар қурилиши, таъмирланиши йўлида ташкилотчилик қилган раҳбарнинг бугунги ташвиши анча кўп. Масалан, вилоятда 29 та мусиқа мактаби бор. Агар бу мактабларга маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиш тўхтатилса — ота-оналар тўлаган бадал эвазига бу ерда келажак учун моҳир санъаткорлар етиштириб бўлмайди. Ота-оналарнинг ҳаммаси ҳам рўзғоридан ортириб, боласининг минг истеъдоди, лаёқати бўлса-да мўмай пул тўлаб, мусиқа мактабида ўқитмайди. Мўмай пул тўлаб ўқитишга қодир бўлганларнинг фарзандларидан эса ҳамма вақт ҳам яхши санъаткор етишиб чиқавермайди.

Фарғона диёрида таваллуд топган Тамарахониму Мукаррама Турғунбоева, Лутфихон ая ва Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов ва Ҳалима Носировалар санъатини жаҳон тан олган. Хўш, уларнинг санъатга биринчи қадамлари бадиий ҳаваскорлик тўгаракларидан бошланганини ким билмайди, дейсиз.

Олтиариқ район маданият уйи қошидаги «Зилола» халқ ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари Расулжон Норимов шундай дейди:

— Маданият уйинга тўртинчи синфда ўқиб юрганимда келганман. Доира чалишга қизиқардим. У пайтда бизга Қобилжон Юсупов, Солижон Маматовлар раҳбарлик қилишарди. Мана, ўттиз йилдан бери шу ерданман. Олтиариқда ҳозир ўттизга яқин овозли ҳофизлар бор. Қизиқчилар, бастакорлар, ўйинчилар... Ҳаммаси ўзимизнинг шогирдлар. Мана, Маъмуржон Тўхтасинов республикага танилди. Районда ансамблимизнинг қадами етмаган бирон дала шийпони қолмади, ҳисоб. Лекин ҳол-аҳволимизни суриштирадиган одам йўқ. Аввалари кийим-кечак, мусиқа асбоблари учун йилига 10—15 минг сўм пул ажратиларди. Энди бу ҳам йўқ. Мабодо пул топиш йўлига ўтиб кетсак, ҳақиқий талантлардан ажралиб қоламиз-ку. Шунинг учун халқ талантларига алоҳида эътибор зарур.

Расулжон аканинг гапига шуни қўшимча қилиш керакки, халқимиз зукко, кобилиятли. Не-не қўли гул наққошлар, дурадгору сандиксозлар, бешик, тандир, сават ясайдиган усталаримиз бор. Лекин уларнинг ҳунарини авлоддан-авлодга етказиш учун нималар қиляпмиз? Ўша ҳувиллаб ётган маданият уйларида ранг-баранг тўгаракларр ташкил қилиб, устозларни таклиф этиш керак. Лекин қани бунга маблағ?

— Бозор иқтисоди баҳонасида бор имкониятлардан ҳам ажралаёздик. Хайрият, бўғи пайқаб олдини олдик, — дейди Сайдали Одилов сўзида давом этиб,— Маданий-маърифий ишларга юзаки муносабатда бўлган баъзилар бу соҳага қарашли биноларни пуллаш йўлига ўтиб кетганлар. Масалан, Марғилон шаҳридаги бир нечта кутубхоналар, санъат музейи, иккита клуб биноси бошқа ташкилотларга бериб юборилган. Охунбобоев районидаги марказий кутубхона учун қурилган бинога агросаноат банки кўчиб кирган. Район маданият уйининг олтита хонасига ҳам банк ўрнашган. А. Ниёзов номидаги давлат хўжалигидаги махсус кутубхона учун қурилган бино бошқа ташкилотларга сотиб юборилган.

Биз бу ишлардан хабар топиб, вилоят ҳокими олдига бу масалани қатъий қўйдик. Зудлик билан ёрдам беришларини сўрадик. Ахир ўзингиз ўйланг, халқнинг маънавий бойлиги бўлган китоблар қопларга солиб, кераксиз ҳолда ташлаб қўйилса, неча йиллар давомида музейга тўпланган санъат асарлари йўқолиб кетадиган даражага келса, чидаб бўладими? Хайрият, сўровларимиз инобатга олинди. Фарғона вилояти ҳокими «Маданий-маърифий муассасалар биноларидан бошқа мақсадларда фойдаланишни ман этиш ва маданият ҳамда истироҳат боғларининг моддий-техника базасини яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

— Шундан кейин ўзгариш бўлдими?

— Ҳа, қарорда шаҳар, район ҳокимларига шу кунгача тортиб олинган бинолар маданий-маърифий муассасалар ихтиёрига қайтариб берилишини таъминлаш юклатилди. Ҳозир айримлари қайтариб берилди. Ўйлайманки, шаҳар, район ҳокимлари бу борада яна ёрдам беришади. Қарорлардан кейин Фарғонадаги «Хайрия» корхонаси, вилоят матлубот жамияти шаҳар маданият ва истироҳат боғининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга озми-кўпми маблағ беришди. Вилоят театрини таъмирлаяпмиз. Лекин кўпдан бери ҳал бўлмай келаётган яна бир муҳим муаммо ўзбек ва рус драма театрлари бир бинога жойлашганидир. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли вилоят драма театри ўзининг «Темир хотин», «Тошкентга саёҳат» ва бошқа спектакллари билан машҳур. Фарғоналиклларнинг бирдан-бир севимли маскани бўлган бу театр учун алоҳида бино жуда-жуда зарур.

Маданиятга кенг жамоатчилик ёрдам бермоғи фарз. Маданият ишлари вазирлиги, ёшлигоҳ раҳбарлари, шаҳар, район ҳокимлари, жамоа, давлат хўжалиги раҳбарлари, қишлоқ кенгаши раислари бу соҳага қайишиб, жон куйдирсалар, ўтказилдиган тадбирларда ўзлари ҳам фаол иштирок этсалар нур устига нур бўларди.

САНЪАТ МАҲМУДОВА.

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Бу меҳнатхонада яхшию ёмон
Учрайди, яхшилик қилавер ҳамон.

А. ЖОМИЙ.

Одам табиатан қизиқ яратилган — бойлигини йўқотса хафа бўладию умри зое кетганига эса парво қилмайди.

Абул ФАРОЖ.

Донишманд — баққолнинг дўконига ўхшайди: борини индамайгина кўрсатади — қўяди; нодон эса лашкар ноғорасининг ўзи: овози баланду ичи бўм-бўш ва ғариб.

* * *

Агар оқил одам нодонлар гуруҳига тушиб қолса, улардан иззатикром кутмасин, агар нодон беъмани каломи билан оқилни енгса, бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ, зеро ёқутни тош ҳам синдириши мумкин.

* * *

Нуқсонингни дўстдан сўраб юрма, у айтмайди. Яхшиси душманларинг нима дейишини бил.

САЪДИЙ.

ДАРД БЎЛСА, ДАРМОНИ ҲАМ ТОПИЛАДИ

***МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ** ҳар биримизнинг қалбимизга умид нурини туширди. Биз бу нур ёруғида кетаётган йўлимизни кўриб турибмиз: йўлимизда ҳали деворлар кўп. Қалбимизга бу деворлар соясн ҳам тушади, шаксиз.*

Биз юртдошларимиз билан мулоқотда бўлиб, қалбларидаги нур ва соя манзараларини кўришга, англашга уриндик. Илк суҳбатдошимиз Тошкентдаги 1-туғруқхонага қарашли аёллар маслаҳатгоҳида ишловчи акушер-гинеколог Раҳима Нуровадир.

— Раҳима опа, биз доира ичида яшашага ўрганиб қолган эдик. Нима учун гир айланаяпман, балки, бирор нуқтада чизиқдан чиқиб ўнг ёки чапга бурилишим керакдир, деб ўйлайдиганларимиз кам эди.

Мустақиллик бизни фикрлашга, яшаш учун йўл ахтаришга ўргатаяпти. Сиз ҳам ўз ҳаётингизга, соҳангизга бефарқ қарамайдиган бир шахс сифатида бугун нималар ҳақида ўйлаяпсиз?

— Мен кўпроқ тиббиёт деган доира ҳақида ўйлайман. Биласизми, тиббиётнинг даҳоларидан бири бўлган Ибн Сино баъзи бир дорилар ва унинг шифоси ҳақида гапириб: «Бу дори шундай касалга фақат шу-шу шаҳарлардагина шифо беради. Ўзга маконларда қандай таъсир кўрсатишига мен кафолот беролмайман» деган эканлар. Биз тавсия қиладиган дориларимизнинг эса яшайдиган масофаси чексиз. Шу кунларда ўзим ўқиб ўрганган Ғарб табобатига баъзан шубҳали қараб қоламан. Йўқ, йўқ, Ғарб табобати ҳам қанча-қанча кишиларнинг меҳнати натижаси...

— Фақат сизда Шарқ табобатига ихлос уйғондида-а? Сиз туғруқ соҳасида қандай ўзгаришлар қилиш зарур деб ўйлайсиз?

— Ҳомиладор аёлларга иложи борича, кимё дорилари берилмагани маъқул. Пишаётган анор оғочининг энг учида қичкина яшил барг бўлади, шуни чой қилиб ичилса, буйракни тез тозаларкан... Қон босими, буйрак босими бўлган ҳомилали аёлларга шу чой жуда яхши ёрдам беришига ишончим комил.

— Раҳима опа, сиз туғруқ уйда бўлса яхши деган эдингиз, бир суҳбатда. Бунинг сабаби нима? Уйда кўз ёриши ҳолатини шифокор сифатида қандай тасаввур қиласиз?

— Ҳозир туғруқхоналарнинг аҳволи танг: кийимлар, айниқса, ички кўйлаклар, тўшак, кўрпа, ёстиқ учун ғилофлар мутлақо етишмайди: сабаби — иқтисодий танглик. Бу шароитда кўзи ёриган аёлнинг бирорта касал орттириши осон бўлади. Уйда бўлса, ҳар ҳолда, тозароқ ётиш мумкин. Мана, мен қарайдиган ҳудудда доим 130 атрофида ҳомиладор аёл бўлади. Мен уларнинг ҳар бирининг аҳволи, руҳиятини яхши биламан: зарурат бўлганини туғруқхонага келтириб, қолганини ўзим уйида кўзи ёришига ёрдам беришим мумкин. Албатта, шунда менинг ҳар бир аёл ва унинг гўдагига масъулиятим ортади. Демак, манфаатим ҳам ошиши керак.

— Уйда туғиш... Менга бироз кўркинчли туюлаяпти.

— Биз ўзимиз тўғримизда деярли, ҳеч нарса билмаймиз. Шунинг учун сизга кўркинчли туюлаяпти. Ҳолбуки, аёл, умуман, инсон ўз руҳини билгандек, жисмини ҳам билиши керак. Ҳозир аҳволни каранг: ҳомилали аёл туғруқхонада ўзини тамоман акушер-гинеколог ихтиёрига топшириб қўя қолади. Врач эса калласига нима келса, шуни қилади: сал қийналса, жарроҳлик столига ётқизади, керак-керакмас уколлар қилади... Мен доим шундай бўлади дея олмайман, лекин шундай ҳоллар учрайди.

Агар мактабдан қиз болаларга ўз жисми, оналикка тайёрлаш, туғрук ҳақидаги бошланғич билимлар берилса, у она бўлган пайтда ўзига-ўзи катта ёрдам беради.

— Сиз шу масалаларни ўз йиғилишларингизда кўтариб чиқсангиз, раҳбарларингиз маъқуллашмайдими?

— Негадир... ишонмайман. Чунки бизда бирор ҳодиса юз бериб... бўлмас иш бўлиб қолса, менга ўхшаган фикр айтган шифокор айбдор бўлиб чиқади. Шунинг учун ҳамма доира бўйлаб чопишни афзал кўради.

— Раҳима опа, майли, фикрларингизни айтаверинг. Яна нималарни ўзгартириш керак деб ҳисоблайсиз? Ҳар қандай иш аввал фикр бўлади-ку.

— Бизнинг кўп вақтимиз қоғоз тўлдириш билан ўтади, текширувчи келса, нечта касални тузатдинг, қани, бирортасини кўрай, демайди, қоғозинг аъло бўлса, аълосан.

Мен нима қилардим? Ихтиёр менда бўлса, биз тўлдираётган қоғозлар, архивларда босилиб ётган қоғозларни қоғоз етишмаётган жойларга берардим-да, фақат инсоннинг ўзи билан ишлардим. Текширсалар, инсонни текширсинлар. Шунда иш яхшиланади.

— Раҳима опа, она тилимиз давлат тили бўлганидан сўнг, сизларда қандай янгиланиш бўлди?

— Биласизми, Қутлибека, биз жуда ғалати одамлармиз. Доим қамчи кўтариб туришларини кутамизми-ей. Сал-пал ўзбекчалашгандай бўлдик, сўнг суриштирмай қўйишган эди, осонига уриб кетдик.

Ўзи табобатни билим юртлари, институтлардан ўзбекчалаштириш керак. Ҳалиям «Дарслик йўқ, мутахассис йўқ» деб оға тилимизда ўқитиб ётибмиз. Умуман, моддий манфаатдорлик бўлса, бир ойда таржима қилиб берадиган мутахассис ҳам, муаллим ҳам топилади. Пулни давлат қаердан олади, дейсизми? Минглар соврилиб ётибди. Мана, мен сизга оддий бир жуда кичкина нарсани айтиб берай: ҳозир ҳомиладор аёлларга бепул витамин бериш деган нарса ўйлаб чиқарилган. Мен ўзим бунга 200—300 сўмлик бепул дори оламан: чиройли шишачалар, чиройли қутиларди. Аёлларим бу бепул дорининг қанчасини ичаркин? Қанчаси шиша, қопқоқ қоғози билан ахлатга отилади. Ахир, буларнинг бари пул-ку. Ҳомиладор аёлга дори зарур бўлса, ўзи сотиб олсин, шунда ахлатга ҳам иргитмайди.

— Раҳима опа, куюнчаклигингизни кўриб, ҳавасим келаяпти. Қани эди сиздайлар...

— Э, мендайлар кўп, қанчаси билан бирга ишлайман. Фақат биров улардан фикр сўрамайди, сўраса ҳам, қани ўйлаганларингни бир амалда кўр, биз ёрдам берамиз, дейишмайди.

ҚУТЛИБЕКА суҳбатлашди.

— Отажон, қон босимингиз бугун жуда яхши,— дейди қўли енгил шифокор Шарифа Утегенова,— ҳадемай янгитдан куч-қувватга тўлиб, уйингизга кетасиз. Бу сурат Тошкент вилоятининг Зангиота районидаги 2-фахрийлар шифохонасида тасвирга туширилган. Бу ерда бир йўла 120 бемор даволаниб, дам олиб, Шарифахон каби дилкаш шифокорларга рахмат айтиб кетадилар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ,
олган сурат.

Маматқосим СОИПОВ:

ГИЁҲЛАРДА ГАП КЎП

Қизимиз Гулнозахоннинг баданига қичишқоқ тошди. Маматқосим аканинг таърифини эшитиб, унга мурожаат қилдик. Унинг гиёҳдан тайёрланган дориси туфайли қизимиз дарддан бутунлай фориғ бўлди. Табибнинг ёрдамидан оиламиз чексиз миннатдор, у кишининг умрлари узун бўлсин!

КАРИМОВА,
Андижон райони,
«Ленинград» жамоа хўжалиги.

Турмуш ўртоғим тошма касалига йўлиқиб, кўп даволанди, аммо тузалавермади. Маматқосим аканинг муолижаларидан кейин дарддан қутулди. Халқ табибининг ишларига ривож тилаймиз.

САМИДДИНОВлар оиласи,
Қўрғонтепа райони,
Ш. Рашидов номли
давлат хўжалиги.

Мен шамоллаб, касалхонага тушиб қолдим. Аммо бутунлай шифо топа олмадим. Бунинг устига юзимда доғ пайдо бўлди. Маматқосим аканинг дорилари туфайли соппа-соғайиб кетдим.

Марям АҲМЕДОВА,
Андижон шаҳри.

* * *

ТАБИБ табиб эмас, бошидан ўтган табиб, дейди халқимиз. Бўлмаса, Андижон шаҳри атрофидаги Шўро пахта тозалаш заводи ишчиси Маматқосим Соипов даволовчи гиёҳлар ҳақида илгари ҳеч ўйлаб кўрмаганди. Бундан анча илгари унинг танасида ғалати яра пайдо бўлади. Шифохоналарда даволанди. Аммо яра бутунлай йўқ бўлиб кетмас, ё ривожланмасди. Одамлар турлича маслаҳатлар беришди. Улардан бири — сачратқи ўтнинг майдалангани ярани бутунлай қуритиб, тушириб юборишини айтди.

Ана шу баҳона катта энасидан қолган эски ўзбек тилида ёзилган гиёҳлар ҳақидаги китобни ўқиш учун араб алифбосини ўрганди. Гиёҳлар ҳақидаги турли рисолаларни мутолаа қилишга киришди. Инглиз, немис тилларидаги китобларни қишлоқдаги муаллимларнинг ёрдамида таржима қилдириб, ўқиди. Ана шу ўтган ўн йиллар мобайнида гиёҳлар ҳақида яхшигина билимга эга бўлди. Асосан тери касалликлари бўйича тайёрланган дорилари халқ орасида машҳур бўлиб кетди. Биз юқорида халқнинг миннатдорчиликларидан айримларини келтирдик, холос.

— Ўтган йили ҳузуримга бир қизни олиб келишди,— деди Маматқосим аканинг ўзи,— совуқ ўтганликдан товонлари ёрилиб, оёқлари шишиб кетган, юролмай қолган эди. Шиш бутун танага тарқаган, натижада ҳали турмуш қурмаган қиз каттагина аёлга ўхшаб кўринарди. Товонларига гиёҳлардан тайёрланган дорини суриб, даволашга киришдим. Бир ойга қолмай яралар тўкилиб кетди, шиш қайтди, юролмай ўтирган бемор соҳибжамол қизга айланди. Худо шифосини берса, шундай бўларкан.

Маматқосим ака умрини халқни даволашга бағишлашга қарор қилган. Ёз бўлди, гиёҳ теришга киришиб кетади, бу ишга болаларини ҳам жалб қилади. Мана бир-икки йилки, Андижон ип-газлама бирлашмасининг муолажагоҳи қошида унга хона ажратиб беришди.

— Менинг ягона орзуим,— дейди Маматқосим ака,— бу дориларни илмий лабораторияларда текшириб, уларни росмана қўллашга тавсиянома олишдир. Аммо республикамиздаги бунга алоқадор идораларидан керакли ёрдамни ололмаяпман. Менга ҳеч нарса керак эмас, дориларимни ишлатишга рухсат, ишлагани алоҳида хона ажратиб беришса бас. Натижаларим эса ёмон эмас.

...Халқ табиби ҳақидаги мақолага нуқта қўярканман, Андижон вилояти, Андижон райони, Охунбобоев номидаги давлат хўжалигида ишловчи Маматқосим ака Соиповга ёрдам берадиган маҳкамалар республикамизда ҳам, Андижон вилоятида ҳам топилиб қолади, деган умиддаман.

Узоқбой САКСОНБОЕВ.

Тил ва сўз

ТИЛИДА айтган сўз дилида бўлмас, дилидагиси эса тилига чиқмас замонлар эди. Бу ҳолатга деярли ҳамма ўрганган. Эҳтимол шунданми кўпчилик бунга бефарқ қарар, ундан ҳатто, ҳеч ким чўчимасди. Чунки дилингни кўриб, унга бор гапни айтиб бера оладиган ренген ихтиро қилинмаган ва унинг ҳожати ҳам йўқ эди.

Пайдо бўлган бундай икки юзламачилик умуминсоний тарбиямизга табиийки, катта путур етказди. Тил билан дил ўтрасида каттакон жар пайдо қилди. Бир донишманд суҳбат пайти «Муаллимлар пойгада қолиб, порахўру юлғичлар тўрга чиқадиган замонни ҳам афсус, кўрдим» деганида ғашим келиб «Донолик қилиб бўлар бўлмас гапни айтаверасизми?» дея жеркиб бермоқчи бўлган эдим. Хайрият, хайрият шу ишни қилмаганман.

Барча мавжуд салбий нарсаларга унинг дояси бўлмиш тилнинг дилдан узоқлашгани сабаб эмасмикан?

Тили бошка-ю, дили бошқа такасалтанглар, амалига ёки бойлигига қараб муомила қилувчи лаганбардорлар, халқнинг ибораси билан айтганда «подхалимлар» кўпайиб кетгани учун шу кунларга қолмадикмикан? Уларнинг қонунида ишга эмас, хўжайинга, раҳбарга сажда қилиш касали бор. Шундан ўшандайлар ҳар қандай қабиҳ ишга ҳам кўнадилар, фақат уларга амал беринг. Ўзларининг бу ишларини яшириш учун баъзида «мардлик» ҳам қилиб кўядилар. Раҳбарларини оддий одамлар орасида танқид қилган бўладилар. Лекин раҳбари борлигида кўринг уларни. Наҳот, наҳот деб ёка ушлайсиз. Лайча ит эгаси овқат бераётганида думини ликиллатиб турган қиёфага тушадилар, қоладилар. Алҳазар, алҳазар!

Яшовчан ва мослашувчан бўлган бундай ғаламислар орамиздан қанча тез қувилмас экан, ҳаётимиз яхши бўлмайди, жамиятимиз покланмайди.

Эсимда, катта йиғин кетаётганди. Районнинг каттаси ўз нутқида бир бригадир опа ҳақида кўп илик сўзлар айтди. «Опа давримиз хусни, кўрки, ғурури. Шундай ажойиб кишилар кўп бўлсин, бизлар эса шундай чинакам деҳқонларга меҳрибон бўлайлик, улардан тез-тез хабар олайлик, улар билан ёнма-ён ишлаётганимиздан қувонайлик!» деди.

Каттанинг бу сўзлари менга ёқди. Менда опа билан суҳбатлашиш истаги пайдо бўлди. Фикримни мени кузатиб юрган ҳамкасбимга айтдим. Жуда соз, лекин каттага бир оғиз айтсангиз ёмон бўлмасди, деди.

Йиғин тугагач «райком бува» ёнига бордим. Унга ниятимни айтдим. Катта севинган бўлди ва ёнидан бир қадам ҳам силжимай «қуллуқ» қилиб юрган юқорида айтган тоифадаги кишига қараб: Раисни чақир, деди. У кимса ҳамма гапни эшитиб тургани учунми «қайси раисни» деб ўтирмай «хўп бўлади», деди-ю, тезда катта сўроқлаган раисни бошлаб келди.

— Мана бу меҳмон акамиз,— деди мени раисга кўрсатиб, газетадан келган. Опа ҳақида ёзмоқчи. Ёзсин, расмга олсин, рухсат.

Раис «хўп бўлади»— деди ва мени бошлаб кетди.

Кетаётиб: «Меҳмон, қарши бўлмасангиз ҳозир бир пиёладан чой ичиб олсак, одам жуда чанқади, нима дедингиз. Чой устида опа қачон, нимага қаҳрамон бўлгани, қисқаси газетда ҳали чиқмаган гапларни сўзлаб бераман».

Биз кўндик.

Раис ваъдасига биноан чой ичиш пайтида опа ҳақида сўзлаб берди. 5 фарзандга, уларнинг отасига қараб, яна пахтачиликдаги меҳнатлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани, Халқ депутати бўлиб сайланганлиги, 110 гектар майдондан 45 центнердан ҳосил ундираётгани ҳақида марок билан сўзлаб берди. Кейин дала айландик. Ўз жамоа хўжалиги тугул кўшни хўжаликларни ҳам эринмай айлантирди. Кун ҳам ботиб, кеч кирди.

— Энди кеч бўлди. Қарши бўлмасангиз кечки овқатни қилсакда дам олсангиз, эрта билан опа бригадасига олиб бораман.

Кеч 10 даги поездга чиптамиз борлигини у биларди. Биз индамай рози бўлдик. Овқат пайтида раиснинг ўзи «ёрилди». Опа 2 ойдан бери Тошкентда касалхонада ётган экан. Раис «Райком бува»га бу гапни айтолмай, бизга қандай муносабатда бўлишни билмай боши қотиб юрган экан.

Мана сизга «Райком бува»нинг одамларга меҳрибонлиги. Ахир у бизни шундай опаларга нисбатан меҳрибон бўлишга чақирди-ку! Қизиқ, гапи билан қилаётган иши ҳар хил бўлган бундай раҳбарларни эсласам, нафратим ошади, ўшанда табим тиррик бўлиб Тошкентга қайтгандим. Унинг юзига бу гапни айтмаган, тўғрироғи, айтолмаган эдим. Раис Салим аканинг ҳам муносабатини тушунмаган эдим.

Анча вақт ўтди. Шу районга яна бордим. Бу сафар ҳам район бўйича катта йиғин кетаётганининг устидан чиқдим. Районнинг ҳамма раҳбарлари шу залда экан. «Райком бува» ҳар сафаргидек нутқ сўзлаётганди. Эшик очиқ бўлгани учун ҳамма гап эшитилиб турибди.

— «Ўртоқлар. Бугун бир хушхабарни эълон қиламан. Охунбобоев раиси Салимхон ака сўзга чиқмади. Лекин у одам катта ташаббус қилибди. Колхоз бўйича ҳар бир соғин сигирдан 3000 литрдан сут соғиб олишга ваъда беришибди. Раҳмат, Салимхон ака! Отангизга ҳам раҳмат. Районимиз чорвасини ривожлантиришда жонбозлик қилиб, қийин, лекин жуда зарур ишни ўз зиммангизга олибсиз, эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Шу заҳотиёқ обкомга сим қоқдим. Обком бува, беҳад мамнун бўлдилар. Офарин, деб юбордилар. Биз райондошларингиз ҳам офарин сизга деймиз. Раҳмат. Бошқа раислар ҳам Сиздан ўрнак олса бўларди».

Райком бува узоқ гапирдилар. Кимларнидир мақтаган бўлдилар, кимларни ерга булғаб ташладилар. Йиғин тугади. Мен шу мақталган таниш раис ёнига бордим.

Раиснинг ранги оқарган бир киёфада:

— Кечиринг, мен бундай мажбурият олган эмасман, ололмайман ҳам. Ўзи зўр-баъзўр 2000 литрдан сут соғиб оляпман. Англашилмовчилик. Ҳозир олдиларига кираман, — деди-ю ёнимиздан кетди. Эртаси куни район, ҳатто вилоят газеталарида шу ҳақда ахборот берилди.

Қаранг-а, ана шундай даврлар ҳам бўлган эди.

Энди замон ўзгарди. Қадимий орзумиз ушалди. Мустақилликка эришдик. Мана шу ҳурлик бизларни бор гапни борлигича айтишга, ўз фикрларимизни рўйи-рост айта олишга ўргата бошлаши лозим.

Гапи билан иши бир, тили билан дили бир раҳбарлар етишиб чиқишсин.

Покланиш бўлсин. Ишқилиб унга кўз тегмасин. Покланиш поездининг ўз манзилиги етиши бизга боғлиқ. Бу ишда соф виждонли кишилар, улар кўп, йўлбошловчи бўлишлари лозим. Шу ният тили билан дили бир одамларни ҳаёт кечиришга, яшашга ундаяпти.

Тўлқин МУҲИДДИН.

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ, ЛЕКИН...

ИТТИФОҚ тарқалиб кетганидан кейин саёҳатлар, Қора денгиз соҳилларидаги шифобахш дам олиш масканларига бориш мураккаблашиб кетди. Шунинг учун кўпчилик ўз республикамиздаги даво масканларида дам олишга ошиқаяпти.

Бироқ, бу ердаги шароит ҳаммани ҳам қониқтираётгани йўқ. Ана шундай шароитда фақат Ўзбекистондагина эмас, собиқ иттифоқ миқёсида ҳам номи таниш бўлган «Ботаника» санаторийсининг даволаш бўлимларида, ётоқхоналарида, хиёбонларида бўлдик.

— Бугун кетаяпман,— дейди Сурхондарё вилояти, Узун қишлоғидан келган чорвадор Эргаш Ёқубов,— 24 кунни яхши ўтказдим. Ҳамма муолажалар кўнгилдагидай бўлди. Ётоқ жой, овқатлар ҳам жойида. Шифокорларга раҳмат.

«Ташавтомаш» заводининг ишчичи Ҳаким Жўраев, Бухоро вилояти, Жондор районидан келган Хосият Санаевалар ҳам бу ердаги шарт-шароит, шифокорларнинг хушмуомалалигидан хурсандликларини изҳор этдилар.

— Бизда ишлайдиган ҳар бир ходим,— дейди шифохона бош врачи Эркин Маъдиев,— қайси бўлимда, ким бўлиб ишлашидан қатъий назар, дам олувчилар билан хушмуомалада бўлиши шарт. Дам олувчилар очиқ чеҳра билан ташаккур билдириб кетмасалар, демак, биз ўз вазифамизни бажара олмаётган бўламиз. Лекин ҳозирги қийинчиликлар бизнинг иқтисодий аҳволимизни ўта оғир ҳолга солиб қўйди.. Санаториялар ҳали ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш даражасига етган эмас. Битта йўлланма ҳозир 4—5 минг сўм туради. Биз дам олувчиларга фақат биттадан янги чойшаб бериш учун 130 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланишимиз керак.

Эркин Абдуллаевич 17 йилдан буён шу даргоҳда меҳнат қилади. Унинг гапларида жон бор. Қани ўша янги жиҳозлар, қани маблағ. Фақатгина анҳор қирғоғига хавфсизлик тўсиқ — панжаралар ўрнатишга 130 минг сўмга яқин маблағ сарфланди. Кўплаб хиёбонларни ободонлаштириш учун ҳам ишчи кучи, маблағ керак.

— Ошхона ишидан кўнглимиз тўлмади,— дейишди Бухоро шаҳар 2524-автобаза бригада бошлиғи Розиқ Сатторов ва Самарқанд вилояти, Пойариқ район Карл Маркс номли жамоа хўжалигидан келган нафақа олувчи Эркин Мамараҳимов.— Биз ҳарқалай Ўзбекистонда яшаймиз. Бу ердаги ошхонада эса 95 фоиз овқатлар Европа таомлари. Шу масаллиқлардан чиройли қилиб миллий таомлар тайёрласа бўлади-ку. 24 кунда бундай таомларга кўника олмаймиз.

Санаторияда клуб, маданий ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Кино-театр кун бўйи бўш туради. Фақат кечқурун битта фильм намойиш этилади, холос. Маданий тадбирларни ўтказувчи икки ходим фақат автобусда саёҳатга олиб бориш билан кифояланишади...

Одамларнинг саломатлигини тиклашда, ғайратли, шижоатли бўлишида касалхоналарга қараганда санаториялар кўпроқ самара беради. Эл соғлиги юрт бойлиги, деб бежиз айтилмаган... Шундай экан, санаторияларни, дам олиш масканларини ўзинг учун ўл етим, деган аҳволга солиб қўймасдан, давлат назоратига олиш, эл соғлигини тиклашни давлат аҳамиятидаги иш деб қараш ва ушбу масканларни давлат таъминотига олиш зарур эмасми?

Темур ҲАЙДАРОВ,
«ИШОНЧ» мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ИРОҚҚА ЗАРБА БЕРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

«НЬЮ-ЙОРК ТАЙМС» газетасининг хабарига қараганда, «Ироқ раҳбари Саддам Ҳусайннинг хатти-ҳаракатларидан жаҳли чиққан» Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш бу мамлакатга осмондан зарба беришга қарор қилди. Исм-шарифи айтилмаган Пентагон расмий вакилининг гапларига таяниб газета шундай ёзади: Зарба бериш тўғрисидаги қарор деярли қабул қилинди. Расмий вакил «Фақатгина тепкини қачон босиш масаласи ҳал бўлмаган», деб аниқлик киритган.

Газета ўз хабарини давом эттираркан, маъмуриятнинг расмий вакиллари шаҳодатларига кўра, Президент Жорж Буш ва унинг маслаҳатчилари душанба куни Оқ уйда Бағдодга қарши ҳарбий чораларни муҳокама қилдилар, деб хабар беради. Жумладан, улар Бағдоднинг мамлакат жанубидан зенитли ракета комплексини олиб чиқиб кетиши тўғрисидаги Вашингтон талабига жавобини, шунингдек, Ироқ томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюциясининг изчил бузиб келинаётганини атрофлича кўриб чиқдилар. Расмий вакилларнинг гапларига қараганда, Бағдоднинг сўнгги вақтлардаги ғазабни қўзғовчи хатти-ҳаракатлари шундай қарор қабул қилишга мажбур қилган.

ЭЙ-БИ-СИ телекомпанияси эса сешанба куни Пентагондаги манбаларига асосланиб, ҳозирги пайтда Американинг Саудия Арабистонидаги, Туркиядаги ва «Китти хок» учоқбар кемаси (авианосец)даги 200 га яқин жанговор самолётлари зарба беришга шай турибди, деб алоҳида таъкидлади. Фақатгина танлаб нишонга олинган ҳарбий иншоотларга зарба бериш мўлжалланмоқда. Булар Ироқнинг зенитли ракета комплекслари, «Заминдан заминга», «Скад» ракеталари, жанговор самолётлар ва аэродромлардан иборат. «Ушбу маълумотларни берган манбалар,— деб алоҳида таъкидлади телекомпания,— Ироқ бирор бир ҳарбий тадбир билан жавоб бергудек бўлса, Америка Қўшма Штатлари биринчи зарба ортидан яна бир кучли зарба беришга тайёр турибди, деб айтдилар».

* * *

Олти кундан кейин Америка Қўшма Штатлари Президенти курсисига ўтирадиган Билл Клинтон Президент Буш қарорига биноан АҚШнинг Ироққа қарши қўллаган ҳарбий тадбирини тўла қўллаб-қувватлайман, деди. Литл-Рок шаҳрида бир гуруҳ журналистлар билан суҳбат чоғида «Камина бу қарорни мутлақо тўғри деб ҳисоблайман», дея алоҳида таъкидлади бўлгуси президент. Мамлакат Президенти бўлганимда мен ҳам шундай қилган бўлур эдим, деди Билл Клинтон. Қовун қовундан ранг олади, деб шунга айтсалар керак-да

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Ўтган душанба куни Миср Араб Республикаси пойтахтида Араб давлатлари уюшмаси (АДУ)га аъзо мамлакатларнинг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги фавқулодда сессияси иш бошлади. Шошилинч мажлис кун тартибидан ягона масала — Исроил маъмурларининг Ливаннинг босиб олинган ҳудудига 400 дан ортиқ фаластинликни ҳайдаб чиқариши бобида шаклланган танглик ва ушбу танглик шароитида умумараб мавқеини ишлаб чиқиш ўрин олган. «Савтул араб» радиосининг хабар қилишича, АДУ бош котиби Исмат Абдулмажид ушбу минтақавий ташкилот сессиясини очаркан, барча араб давлатлари «Фаластин халқининг адолат учун курашига ва ватандан қувилганларни қўллаб-қувватлашига бирдамлик изҳор этадилар», деди.

Сешанба куни Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг Раиси — мамлакат раҳбари Станислав Шушкевичнинг Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф чоғида бир неча муҳим ҳужжатлар имзоландики, улар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўчишига имконият яратади. Шарҳловчиларнинг кузатишича, икки томонлама муносабатларни ривожлантириш тамойиллари тўғрисидаги Қўшма баёнот муҳим тарихий ҳужжат саналади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хавфсизлик кенгаши Ироқдан Қувайт ҳудудида қўлга киритилган ҳарбий қуролларни қайтаришни талаб қилди ва Бағдод маъмурларини ўт очишни тўхтатиш шартларининг бузилиши ёмон оқибатларга олиб келиши тўғрисида қайта огоҳлантирди.

Америка Қўшма Штатлари Мудофаа вазирлиги ҳарбий мақсадларда учирилаётган сунъий йўлдошларнинг кўпчилиги тўғрисидаги маълумотлардан махфийлик мақомини олиб ташлашга қарор қилди. Пентагон баёнотида айтилишича, ҳарбий мақсадларда учирилаётган ракеталарни учириш дастури ва улар фазога олиб чиқаётган юклар тўғрисида олдиндан хабар беришга қарор қилинган. Шунингдек, ҳужжатда эндиликда учиш боғида матбуот вакилларининг ҳам таклиф этилиши билдирилган.

Америка Қўшма Штатлари Нақлиёт (транспорт) вазирлиги Американинг «Балтия Эйрлайнс» авиакомпаниясини Киев, Минск, Тбилиси ва Ригага учиш ҳуқуқидан маҳрум этди. Мамлакат ишбилармонлари ҳайъати «Жорнэл оф Коммерс энди Коммершл» газетасининг хабар қилишича, ушбу қарор «Тўхтовсиз узоқ вақт учиш давомида йўловчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш мажбуриятини олган компания томонидан бир неча қонда-бузарликлар содир этилгач», қабул қилинди. Авиакомпаниянинг фақат Нью-Йорк — Санкт-Петербург йўналишида хизмат кўрсатиш ҳуқуқигина сақлаб қолдирилди.

МАҲБУСЛАРНИ ОЗОД ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

Ўтган душанба куни кечқурун «Франс-2» телекомпанияси дастурида иштирок этган Франция мудофаа вазири Пьер Жокс Франция бошқа давлатлар билан биргаликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Югославиядаги янги тадбирларида, масалан, Босния ва Герцеговина ҳудудида урушаётган томонлар барпо этган қамоқхоналардан бегуноҳ маҳбусларни озод қилишда иштирок этишга тайёр, деб айтди.

Мудофаа вазири ушбу тадбирлар халқаро кучлар томонидан амалга оширилиши зарур ва Франция бошқа мамлакатлар қаватида иштирок этиши керак, деб алоҳида таъкидлади. У Франция ташқи ишлар вазири Ролан Дюманинг якшанба куни «Яқин кунларда» Босниядаги маҳбусларни озод қилиш тўғрисидаги баёнотини шарҳлаб берди. Ўшанда ташқи ишлар вазири Франция бу ишга бир ўзи ҳам киришиши мумкин, деб айтган эди.

КУБА РАҲБАРИНИНГ АҲДИ

Куба раҳбари Фидель Кастро Рус мамлакат халқининг «сўнгги нафасгача инқилоб ва мустақилликни ҳимоя этиш» қатъияти борлигини маълум қилди. Аргентина республикасининг Телам ахборот маҳкамаси ўтган душанба куни тарқатган суҳбатда давлат бошлиғи «Халқаро империализм очлик ва иқтисодий қамал воситасида республика халқини тиз чўктира олмайди», деб алоҳида таъкидлади.

Бир ўзини 28 минг шахсий қўриқчи қўриқловчи мустабид ҳукмдор Кубанинг сиёсий тузуми «Дунёдаги энг адолатпарвар тузумдир», деб таърифлади. Куба инқилобини эса «Инсоният тарихидаги энг инсонпарвар инқилобдир», дея кўтаринки руҳда таърифлади суҳбат охирида.

Фақат йигитларга эмас, қизларга ҳам қирқ ҳунар оз бўлиб қолди. Журналист Жаббор Раззоқов Ҳиндистон сафари чоғида Дехли шаҳрида полициячи қизларни учратиб, уларни суратга олди. Қизларнинг нигоҳлари ўткир, аҳдлари қатъий.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Венгрияда яхши яшаш учун қанча пул ишлаб топиш кераклигини биласизми? Бу ерда ўтказилган сўраб-билиш натижаларига қараганда, ҳар бир венгр оиласидаги бир одамни ҳозирги иқтисодий шароитда зарур турмуш воситаларининг энг кам миқдори билан таъминлай олиш учун камида 9300 форинт керак экан. Маълумки, 82 форинт 1 доллар туради. Тадқиқот натижаларига кўра, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳар бир венгрнинг муносиб кун кечириши учун 14500 форинт зарур экан. Бемалол яшаш учун эса оиладаги ҳар бир жон бошига 26 минг форинт ёҳуд 320 доллар ишлаб топиш зарур бўлади.

ЎЗИМИЗ ҲАҚИМИЗДА НИМА БИЛАМИЗ?

ДАРҲАҚИҚАТ, нима биламиз, ўзи? Билганимиз: оғирлигимиз неча килограмм эканлиги, мижозимизга нима ёқади-ю нима ёқмайди, куч-қувватимиз, иродамиз нимага қодирлиги ва яна айрим шунга ўхшаш маълумотлар. Танамизда қандай жараёнлар содир бўлиши-ю юрак, томир, асаб толалари тўғрисида ўйлаб ўтиришга замона зайли имкон бермайди. Бироқ яқинда Америкада чиқадиган журналлардан бири ўз хусусиятларимиз ҳақида қизиқарли маълумотларни босиб чиқарди,

Бир одам умр бўйи ўртача ҳисобда 40 тоннага яқин озиқ-овқат истеъмол қилар экан. Унинг нафас оладиган ҳавосини ўлчайдиган бўлсак, 380 минг куб метрни ташкил этади. Юрагимиз шунчалик бакувват эканки, унинг кучи ҳар йили 900 килограмм юкни 14 метр баландликка кўтариб чиқишга қодир экан.

Бошимиздаги соч толаси 125 минг атрофида бўлиб, умримиз давомида 1,5 миллион соч толаси тушиб қайта чиқар экан.

Миямиз 10 миллиард хужайрадан иборат. У 86 миллион ахборот ва маълумотларни эслаб қолишга қодир. Мияда ҳар дақиқада юз мингга яқин кимёвий реакция содир бўлади.

Танамиз терисининг ҳар 6,5 квадрат сантиметрида 25 метр асаб толалари, мингдан ортиқ асаб нуқталари 6 метр қон томирчалари бор.

ОЛМАЗОРДАГИ МОЖАРО

(БИР ХАТ ИЗИДАН)

Таҳририятга кетма-кет иккита шикоят хати келиб тушди. Уларни Амударё райони Манғит шаҳри Низомий кўчасидаги 2-уйда истиқомат қилувчи Жумагул Холмуродова йўллаган эди. Уларга кўз ташлаймиз.

«Ҳурматли редакция,— дейилади хатларнинг бирида,— турмуш ўртоғим Ашир Оллаберганов кўп йиллардан бери «Манғит» совхози 2-бўлимидаги олмазорни ижарага олиб, самарали ишлаб келаяпти. Боғ парвариши даврида, айниқса пишиқчилик палласида оиламиз аъзолари дадам, укаларим, опам билан ҳосилни қўриқлаш учун олмазордаги шийпонга кўчиб чиқамиз. 1991 йил 17 сентябрь куни ҳам боғда эдик. Тунда кимлардир олмазорга бостириб кириб, бизни тошбўрон қила бошлади. Боғнинг у ер, бу еридан овозлар эшитилди. Биз «Эй, яхшилар, сизларни танидик, милиционер Файзулла Жумашев ва унинг оға-иниларисизлар, оқибати яхши бўлмайди, боғ давлатники», дедик.

Шу пайт турмуш ўртоғим Ашир қаёққадир ғойиб бўлди. Укам Мақсуд билан боғни оралаб кетдик. Қарасак уч киши Аширни калтаклаётган экан. Уни қутқармоқчи бўлган эдим, бошимга бир нарса билан қаттиқ уришди. Ҳушимдан кетиб, йиқилдим. Укам Мақсуднинг оёғига ҳам темир билан уриб майиб қилишди. Иккинчи укам Гулмирзанинг бошини ёришди.

Ярим кечада район милиция бўлимига бордик. Навбатчи милиционер Баҳром Ўразалиев жиноят қидирув бўлими бошлиғи Мадамин Бобожоновга қўнғироқ қилди. Бобожонов етиб келгач, унга милиционер Файзулла Жумашев, акаси Ўрозбой, укаси Бозорбойлар муштумзўрлик қилганини айтдик. Улар ҳар йили пишиқчилик пайтида боққа бостириб киришиб, меваларни кўтарганча олиб кетишарди. Бу ҳол 1991 йил 5 сентябрь куни ҳам юз берганди. Ундан район милиция бўлими навбатчиси хабардор бўлса-да, ҳеч қандай чора кўрилмаганини баён қилдик.

Бобожонов Жумашевларни топиб келтириш учун навбатчи милиционерлардан бирини юборди. Шу пайт укам Гулмирзанинг яраланган бошидан яна қон оқа бошлади. Бобожонов: «Сизлар Гулмирзани касалхонага олиб бориб, ярасини боғланглар, шунгача Жумашевлар ҳам келиб қолар», деб бизни район касалхонасига юборди. Навбатчи врач Жумабой Ўрозбоев дастлабки тиббий ёрдам кўрсатди. Укамни зудлик билан касалхонага ётқизишди. Гулмирза касалхонада 19—30 сентябрь оралиғида даволанди. 30 сентябрдан 15 октябргача эса меҳнатга қобилиятсизлиги учун касаллик варақаси берилди.

Милиция бўлимига қайтиб келдик. Шу пайт Жумашевларнинг уйига кетган милиционер келиб, Бобожоновнинг қулоғига нималарнидир шипшиди. Шу тун Файзулладан ҳам, унинг ака-укасидан ҳам дарак бўлмади.

Эртаси юрагимиз зардобга тўлган ҳолда район прокурори А. Матназаровга учрашдик. Вақт ўтиб борар, аммо оиламиздан 4 кишига тан жароҳати етказиб, давлат мулкига кўз олайтирган муштумзўрлар ҳамон ялло қилиб юрарди.

Югур-югурлардан натижа чиқмагач, ўша йили 31 январь куни район прокурорига яна мактуб йўлладим. Жавоб хатида «17 сентябрдаги воқеалар юзасидан 1991 йил 30 октябрда ЎзССР ЖПК 91-модда II-қисми билан участка инспектори Т. О. Ситхонов томонидан жиноий иш қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари юритилганлиги, 1991 йил 17 сентябрь куни Жумашевларнинг «Манғит» совхози 2-бўлимидаги олмазорда бўлганлиги далиллар билан исботланмаганлиги учун 31 октябрда ЎзССР ЖПКнинг 168-модда III-қисмига асосан жиноий иш тўхтатилганлиги» маълум қилинган эди.

Во, ажабо, ўша Т. О. Ситхонов жиноий ишни олиб боришда нега бизнинг кўрсатмаларимизни эътиборга олмади?! Бизда сақланаётган ашёвий далиллар — Жумашевнинг кўйлаги, бош кийими махсус текширувга юборилмади.

Район ҳуқуқ-тартибот ходимларининг хатти-ҳаракатларидан қатъий норози бўлиб, Қорақалпоғистон республикаси прокуратурасига мурожаат қилдим. Қорақалпоғистон Ички ишлар вазири Ж. Шилмановга шикоят аризаси ёздим. 26 февраль куни вазир Ж. Шилмонов имзоси билан жўнатилган 1—89-К рақамли жавоб хатида участка инспектори Ситхоновга ишда йўл қўйган камчиликлари(?) учун қаттиқ ҳайфсан эълон қилинганлиги ёзилганди. Бизни эса участка инспекторининг ҳайфсан олгани эмас, балки муштумзўрларнинг жазоланиши, адолат тантана қилиши қизиқтирар эди.

Қаерга мурожаат қилсам ҳам шикоятларим, ёзилган аризалар сеҳрлангандек район прокуратурасига қайтиб тушаверди. Ҳатто, район ҳокими Б. Ё. Жуманиёзов номига битилган аризам ҳам шундай бўлди.

Ҳурматли «Ишонч», эндиги ишончимиз сендан, вакил юбориб, оқни-оққа, қорани қорага ажратишда ёрдам беришингни сўрайман. Ҳурмат билан Жумагул ХОЛМУРОДОВА».

МУХБИР ШАРҲИ: Ушбу мактуб бизни йўлга чорлади. Ҳокимлик девонхонаси бошлиғи О. Қан Ж. Ҳолмуродованинг район ҳокимига ёзган шикоят хати чора кўриш учун прокуратурага жўнатилганини айтди. У ердан эса қуйидаги мазмунда жавоб олинган экан. (Айнан келтирамиз):

«Амударё район ҳокими ўртоқ Б. Жуманиёзовга.

Район прокуратураси Ж. Холмуродованинг аризаси юзасидан тубандагиларни маълум қилади: 1991 йил 17 сентябрь куни Холмуродов Гулмирзани «Манғит» совхози № 2 бўлими оила боғида номаълум шахслар уриб енгил тан жароҳати етказган.

Ушбу факт бўйича 1991 йил 17 октябрда (роса бир ойдан кейин — таъкид бизники) Амударё район ИИБ участка инспектори Т. Ситхонов томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 91-моддаси II-қисми билан № 5404 сонли жиноят иши қўзғатилган ва дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиб жиноят иши 1991 йил 17 октябрда ЎзССР ЖПКнинг 168-моддаси билан вақтинча ҳаракатдан тўхтатилган. Т. Ситхоновнинг бу қарори район прокуратураси тергов бошқармаси томонидан 1992 йил 7 апрель куни бекор қилиниб, қўшимча тергов ҳаракатларини олиб бориш учун район прокуратурасига юборилган, район прокуратурасига юборилиш сабаби, аризагўйларнинг Холмуродов Г.ни милиция ходими Жумашев Файзулла оға-инилари билан олма боғига ўғирликка борган, шулар урган, деган кўрсатмасидир. Аризагўйларнинг кўрсатмалари текширишда далилланмаганлиги учун Жумашев ва унинг оға-инилари устидан жиноий иш қўзғатиш рад қилинди.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида Холмуродов Гулмирзани урган шахснинг ким эканлигини аниқлаш мумкин бўлмаганлиги сабабли жиноят иши район прокуратураси терговчиси К. У. Абдиримов томонидан 1992 йил 16 май куни ЎзССР ЖПКнинг 168-моддаси III-қисми билан вақтинча ҳаракатдан тўхтатилган ва Холмуродов Гулмирзани урган шахсни оператив қидирув йўли билан аниқлаш тўғрисида Амударё район ИИБга оператив топшириқ берилган, бу ҳақда аризагўйларга хабар қилинган.

Амударё район прокурори адлия кичик маслаҳатчиси Бобожонова Г».

Прокуратурадан тайинли гап чиқмагач, Амударё район ички ишлар бўлими бошлиғи милиция подполковниги Алмухон Избосаровга мурожаат этдик.

— Бу кўнгилсиз можаро мен районга ишга келишдан олдин содир бўлган экан,— деди у.— Милиция ходимидан шубҳа қилинаётганлиги сабабли тергов ишларини прокуратура олиб бориши лозим деб топдим. Жуда ўнғайсиз аҳволдаман, бир йил бўлди ҳамки, ҳақиқий айбдор топилмаяпти. Шубҳа қилинганлар эса айбини асло тан олмаяпти.

Милиция бўлими бошлиғи А. Избосаров ушбу ҳодиса тафсилотлари билан яқиндан танишар экан, даъвогарлар билан учрашиш учун ҳамма шароитларни яратиб берди. Милиция ходими Ф. Жумаев билан учраштириш учун (у киши қисқа муддатли меҳнат таътилида экан) кўп ҳаракат қилди. У билан учрашиб, суҳбатлашиш имкони бўлмади.

Биз 5404 рақамли жиноий ишни очиш қай ҳолатда эканлиги билан қисман бўлса ҳам танишиш мақсадида яна район прокуратурасига йўл олдик. Прокурор Г. Бобожонова меҳнат таътилида экан. Мазкур ишни Каримбой Абдураҳимов олиб борганлиги сабабли у киши билан суҳбатлашамиз.

— 5404 рақамли ишни аввал участка инспектори Т. Ситхонов олиб борди,— деди К. Абдураҳимов,— даъволар исботланмади. Тергов ишларини эса мен олиб бордим. Жумашевлар 1991 йил 17 сентябрда «Манғит» совхози олмазорида бўлганликларини қатъий рад этишди. Бозорбой Жумашев ўша куни ва тунда «Астрахан» насос станциясида бўлганлиги тўғрисида маълумот ва ҳамкасбларидан тилхат олиб келди. Иш ётқизилди. Кейин 5404 рақамли ишни республика прокуратураси сўраб олди...

Хуллас, 1991 йил 17 сентябрь куни олмазорда юз берган муштумзўрлик юзасидан очилган 5404 рақамли жиноий ишнинг Манғит ва Нукус шаҳарлари ўртасида бўзчининг мокисидек бориб-келиши ҳамон давом этмоқда. Шу даврда даъвогарга Қорақалпоғистон республикаси прокурори вазифасини бажарувчи адлия катта маслаҳатчиси М. Елмуродовдан 2 та (апрелда 15 Р 92 рақамли, 29 июлда 15/61—92 рақамли) ва Қорақалпоғистон прокуратураси тергов бошқармаси бошлиғи ўнинбосари 1-класс юристи Б. Мамбетназаровдан битта (7 июль) жавоб хатлари келди. Ажабланарлиси шундаки, бу учала хат ҳам мазмун жиҳатидан бир-бирини айнан такрорлар, ҳатто тиниш белгиларигача ўхшаш эди.

«Манғит» давлат хўжалиги 2-бўлимидаги ўша воқеа содир бўлган олмазорга бордик. «Урганч-Манғит» автомагистрал йўлининг шундайгина бўйига жойлашган 4 гектарлик олмазор. Яхши парвариш қилинганидан ҳар бири пиёладек келадиган қип-қизил олмалар кўзни камаштиради.

Бизни Жумабиканинг дадаси Аҳмад ака қарши олди. Мақсадимизни англагач, тўлиб турган эканми, юрагидагини тўкиб солди:

— Биринчидан излаб келганингиз учун раҳмат, ука, бошимиз кўкка етди,— деди у.— Мени бир нарса ажаблантиради, не-не мураккаб, чигал жиноий ишлар ҳаш-паш дегунча очилади-ю, лекин шундайгина кўриниб турган оддийгина ишлар очилмай қолади. Ҳуқуқ-тартибот органларининг айрим ходимлари сансалорлик дардига мубтало бўлишганми, дейман! Жумашевларнинг куёвим Аширга, қизим Жумабикага, бошқа фарзандларимга хусумат кўрсатиши, азоб беришига мана бу олмазор сабаб бўлди. Жумашевларнинг ховли-жойлари шу боғга туташиб кетган. Бошқа боғлари бўлмаса ҳам қишда тонна-тоннаб олма сотишади. Хўш, улар шунча мевани қаердан олишади? Бу масаланинг бир томони.

Иккинчидан — болаларимга, куёвим Аширга озор берганлар устидан жиноий иш ўта юзаки юргизилди. Далилу ашёлар бўлишига қарамай, тергов чуқуррок олиб борилмади. Бундан ҳамма ажабланди. «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйрук не қилур», деб қўйишди одамлар.

Суҳбатга Ашир Оллоберганов қўшилди.

— Ушбу боғни ижарага олганимга 4 йил бўлди. Биз шу даврда Файзулла Жумаевлардан кўп марта азоб чекдик. Бу ака-укалар пишиқчилик даврида олма ўғирлашгани-ўғирлашган. 1990 йил сентябрида ҳам Жумашевларни ўғирлик устида ушлаган эдик. 1991 йил 5 сентябрда яна шу ҳолат юз берди. Олмани қўриқлайман деб, жондан айрилишимга оз қолди. Буларнинг танобини ким тортади, ахир?

Мухтарам газетхон, мазкур воқеаларнинг кейинги ривожи теран мушоҳадани талаб этади. Ҳақиқат қарор топмас экан, кишиларнинг жамиятга, бошқарув соҳасига бўлган эътиқодига путур етади. Сансоларлик, ишга совуққонлик билан қарашдек ярамас иллат илдизига болта уриш пайти келмадимикан?

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,
«ИШОНЧ» мухбири.

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

ТЎЙ ЁНИГА ҚОЛДИ

Ўзбекистон халқ ҳофизи Жўрахон Султонов бир куни Абулқосим Тўйчиевдан сўради:

— Абил, янги меҳмон кўрибсан, муборак бўлсин.

— Раҳмат, уста.

— Ишқилиб умри билан берган бўлсин, бу фарзандларнинг нечанчиси?

— Ўн учинчиси.

— Баракалла, ўғилми, қизми?

— Ўғил.

— Исмини нима қўйдинг?

— Суннатилла.

— Оббо шоввоз-ей, тўй ҳам ёнингга қолибди-ку.

ИСПАРАПКА ЁЗИБ БЕР

Қаюм ака кўчада шифокор ва аскиячи Фозилжон Султонов билан учрашиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин Фозилжон ака гап бошлади:

— Уста, кеннойим қазо қилганларига ҳам анча йил бўлди. Одамнинг ётиши бор, туриши бор, шундай сўққабош юравермай, бирорта бевага уйлансангиз бўлмайдими?

— Ёшим саксондан ошди, бир кун соғ бўлсам, икки кун касалман. Майли, уйланай, фақат олдин «Қаюм ака — соғ» деган испарапка ёзиб бер.

МЕЪДАСИ ТЎҚ «ГАДОЙ»

Қаюм ака складга кўмир олгани чиқди. Қараса, навбатда турганлар кўп. Бир юз ўнинчи бўлиб навбатга ёзилганидан кейин, тол соясида турган сўрига ўтирди. Жаҳл билан бошидан дўпписини олиб сўрига урган эди, дўппининг оғзи осмонга бўлиб қолди. Шу вақт йўлкадан ўтиб кетаётган аёл кўзига ғариб кўринган кишининг дўпписига бир сўм ташлаб ўтди.

— Ў, қизим, пулингни олиб кет!

Йўлида давом этаётган аёл ҳамроҳига гап қотди:

— Меъдаси тўқ гадойни умримда энди кўришим.

АЖИН ТУШИБ КЕТДИ

Турсунбой Файзиев Фозилжон Султонов билан аския айтганда, даврадагиларнинг ҳаммаси бир машина шағал ағдарилгандек шарақлаб кулди-ю саксон ёшдан ошган устоз аскиячи Қаюм ака кулмади. Пайров тамом бўлгандан кейин Турсунбой ийманиб сўради:

— Уста, жуда бўш гап қилдимми, ҳамма кулганда, сиз илжаймадингиз ҳам?

— Кўрмайсанми, сени гапингга шунча йил кулиб, юзимга ажин тушиб кетди-ку!

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

ҚАТРАЛАР

Ношуд эди улфати
Бошга тушди кулфати.

Дўстинг қуруқ пояга ўхшар.
Поямас, у сояга ўхшар.

Эркаласанг аҳмоқни
Ўйнатади тўқмоқни.

Пора олар даста-даста.
Олмай қолса кунда ҳаста.

Илиқ сўзлаб егани шакар бўлди.
Аччиқ сўзлаб егани захар бўлди.

Пора берсанг ишинг бешдир.
Иши бешлар менга хешдир.

Олувчининг кўзи тўрт бўлади.
Берувчининг кўзи кўр бўлади.

Порасиз сўзни айтма.
Порали сўздан қайтма.

Ўйлаб боссанг қадамни
Чекмагайсан аламни.

Тияверіб тилини
Хароб қилди дилини.

Аббос МАЛИК

Олганинг ош бўлсин, болажон.

А. ЖУМАЕВ суратга олган.

Ўрта қишлоқлик дўстим Файзулланинг тўйини икки-уч кун ўтгач эшитдим. Ўғилларининг қўлини ҳалоллатибди. «Қутлуқ бўлсин»га бир ўзим бормайин, деб ошнам Чорибойни қўшиб олдим.

Файзулла қишлоқ четидаги Охунбобоев давлат хўжалигига сув берадиган канал ёқасига янги иморат солган экан. Кун ботишига яқин ҳовлига кириб бордик. Файзулла янаям йўғон тортиб, тўлишибди. Юз ўн — юз ўн беш кило тош босади чоғи. Касбиям ўзига мос тушган. Хўжалик марказий устахонасида темирчи.

АРМОНЛИ ОЛИШУВ

Утган тўйни «қуллуқ бўлсин» қилдик. Шифтга турли нақшлар чизилган, деворларга табиат тасвирлари берилган. Бўйни, елкаси ва қанотлари қизил, тўши, думи пистоқи, кулранг оёқлари узун ва бақувват ажабтовур хўроз ва малларанг товуғи гердайиб юришибди. Уларнинг шундоқ тепасидан баҳайбат чўл бургути шиддат билан тушиб келаяпти. Орқа томон кўл, ўрмон, тоғлар...

Файзулла Ҳайитов ҳарбий хизматни Афғонистонда пиёдалар полкида ўтаган. Ҳозир Чироқчи районидаги 364 нафар байналмилалчи-жангчиларни бирлаштирган «Панжшир» клубининг раиси. Байналмилалчи-жангчиларнинг бугунги ҳаётлари билан боғлиқ масалалар ҳақида анча суҳбатлашдик. Гап мавзуси айланиб, девордаги суратларга тақалди. Файзулла қуйидагича ҳикоя қилди:

— Икки йилча бурун хўжалик берган йўлланма билан Мироқида бир ҳафта дам олдим. Қайтишда бир жуфт голланд насл хўроз билан товуғини сотиб олдим. Беш-олти ой ҳовлида юриб хўроз уйнинг «хўжайини»га айланди. Бегона хўроз, куркалар у ёқда турсин, олдига қузғун ҳам яқинлашолмасди. Унинг довруғини эшитган ишқибозлар мени безор ҳам қилишди. Бир танишим бас бойлашиш учун нариги қишлоқдан янаям гавдалироқ хўроз кўтариб келибди. Начора, иккаласини «жанг»га қўйдик. Беллашувлар нақ уч соатга чўзилди ва «майдон эгаси»нинг фойдасига ҳал бўлди. Шундан кейин хўрозимиз ҳақида ҳазилнамо миш-мишлар тарқалди. Нима эмиш «Файзулла ўзи ясаган темирқозиқ, ўроқ, кетмонни хўрозига ортиб бозорга борармиш». Лекин хўроз...

Меҳмонхонага дурсунлик уста Улуғмурод жило бераётган эди. Қўли гул йигит. Чиялидаги жуда кўп уйлар унинг қўлидан чиққан. Инсофли одам. Шошмасдан, бир маромда ишлайверади.

Кунларнинг бирида Косонга кетдик. Кечроқ қайтдик. Ҳовлига кириб бир четда бўлаётган тўполоннинг устидан чиқдик. Қаердандир пайдо бўлган каттакон ваҳший чўл бургути билан хўрозимиз юзма-юз хезланиб туришарди. Ҳамма жойи қонга беланган хўроз бургутга ҳамла қилмоқчи бўлар, лекин бир-икки қадам ташламасдан гандираклаб, қулар эди. Яна ўрнидан туриб, рақибига ташланар, бироқ яна йиқиларди. Бу наслли хўрозлар гавдали бўлса-да, чаққонроқ эмас. Афтидан ҳеч нарса сезмай, бемалол юрган пайтида бургут катта тезлик билан келиб уни майиб қилган. Бироқ мақсадига етолмаган: бир зарб билан хўрозни ер тишлатиши керак эди. Тенгсиз олишув анча давом этган. Хўрознинг баданида соғ жойи қолмаганлиги шундан далолат берар эди.

Хўрознинг аҳволини кўриб алланечук бўлиб кетдим. Чопиб бориб, уни кўтариб олдим. Бургут бор-йўқлигимга ҳам парво қилмай, қонталаш кўзларини хўроздан олмасди. Биз хўроз билан андармон эдик. Бироз вақт ўтгач бургут учиб кетди. Уни жазолаш ҳеч қайсимизнинг эсимизга ҳам келмабди. Хўроз эса ўлим ҳолатида эди...

Ўша куни уйда уста Улуғмуроддан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Уста иш билан банд бўлиб, шовқинни сезмаган бўлиши мумкин. Устадан меҳмонхонанинг тўр томонидаги деворга хўрознинг бу олишувини чизиб беришни сўрадим. Уста кўрмаганлиги учунми ёки кўнгли бўшлиқ қилдими — олишув манзарасини чизолмади. Қўли бормади шекилли. Кўриб турганларингизни чизиб қўя қолди.

Файзулла сўзлар экан, хаёлим ўша бургутда бўлди. Баландликдан зарб билан тушса, отнинг белини синдириб юборадиган деб эшитгандим. Даштда оёғи синиб, йиқилиб ётган тирик отни икки чўл бургути бурдалаб ейишаётганини кўриб ўрганган. Шундай ёвуз душманга қарши туриш ҳазил эмас-да. Эҳтимол, ўша бургут бу жойларга қайтиб йўламас бўлгандир. Олис-олисларга, даштга кетаётиб «Энди бу юртнинг оддий хўрозларига ҳам тегиниб бўлмайди!» деб ўйлагандир.

Муродулла КЕНГБОЕВ.

● МЕҲМОНДЎСТЛИК ТИМСОЛИ

Катта ёшдаги одам бир йилда 6,5 килограммга яқин туз истеъмол қилади. Туз йўқ жойларда эса одамлар унинг ўрнини босадиган нарсалар излаб топишади. Масалан, полинезейлар овқат пайтида кокос ёнғоғи пўчоғига денгиз сувидан солишади ва гўштни унга ҳўллаб ейишади. Кўплаб халқларда туз — меҳмондўстлик тимсолидир.

● ТУЗ ҚАНДАЙ САҚЛАНАДИ?

Туз солинадиган идишга бир варақ босма қоғоз солиб қўйиш керак. У тузни нам бўлиб қолишдан саклайди. Хитойликлар қуруқ туриши учун туз идишга бир неча дона гуруч солиб қўйишади.

● ҚАНЧА ТУЗ СОЛИШ КЕРАК?

Гўштли шўрвани пишишига 30 минут қолганда, балиқ шўрвага эса овқатни пишириш учун олов ёқишингиз билан туз солганингиз маъқул.

Нўхат ва ловияга туз пишишига яқин, юмшагандан сўнг солинади.

2 килограмм гречкани пиширишда 20 грамм, шунча гуручга эса 40 грамм туз солинади.

Блинчик қилиш учун 1 килограмм унга 15 грамм, яъни 1,5 чой қошиқ туз керак бўлади.

Ачитилган хамирга 1 килограмм ун учун 12 грамм туз лозим.

1 килограмм гўшт ёки балиқ қиймасига 20 грамм, яъни 2 чой қошиқ туз етарли.

ЮЗИМ ОППОҚ БЎЛСИН, ДЕСАНГИЗ

— Баъзан юзим тез қорайиб кетади, оқартириш учун нима қилишим керак? — деб сўрайди. Янгийўллик газетхон Санобар Йўлдошева.

— Юз рангининг ўзгариши аввалам бор, ички аъзолар саломатлиги, овқатланиш сифати, касб, иқлим ва бошқа таъсирларга боғлиқдир.

Юзни соғломлаштириш, оқартириш учун шифобахш ўсимликлардан газанда ўт, мойчечак, ялпиз, оқ қайин барглари, наъматак гулбаргларидан дамланган сувга ювиш керак. Дамламалар ўтларнинг ўзидан тайёрланса яхши, агар бунга имкон бўлмаса қуритилган шифобахш ўсимликларни дорихонадан сотиб олиш мумкин.

Шунингдек, 15—20 гр. хамиртурушга 1-2 чой қошиқдан бодринг, қизил қорағат, чаканда (облепиха), апельсин сувларидан қўшиб тайёрланган аралашмани юзга суртиш мумкин. Пўсти билан қирғичдан ўтказилган бодрингга ярим чой қошиқ «бор кислотаси» солиб тайёрланган ниқоб ҳам юзга фойдали.

Яна бир даво усули: Тухум сариғига 1 чой қошиқ «водород перекис»и, 1 чой қошиқ исталган мева сувидан қўшинг. Бундай ниқоб юзни оқартириб, тиниқлаштиради.

Мабодо юз териси қуруқ бўлса юқорида тайёрланган қоришмага озгина қатиқ ёки қаймоқ, агар тери ёғли бўлса 1 чой қошиқ ўсимлик мойи қўшинг. Юзга қўйилган ниқоб 15—20 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювилади. Муолажа кунига 1 мартадан 1—1,5 ой давом этиши керак.

ҚАДОҚ

— Товонимда қаттиқ эт пайдо бўлган, юрганимда ёмон оғрийди. Уни қандай даволаса бўлади? — деб сўрайди жиззахлик Ниёз Юсупов.

— Товонда ёки бармоқда оғриқ берувчи қадоқлар кўпинча ноқулай оёқ кийим кийишдан ҳосил бўлади. Пойафзал оёқни қаттиқ қисганда терининг юқори қатламида сариқ рангли ортиқча эт пайдо бўлади. У борган сари ўсиб қўполлашади ва оғриқ беради. Айниқса, ёрилгандан кейин азоби ёмон. Ёки каттароқ, аксари қаттиқ чармдан тикилган пойафзал ҳам қадоққа сабаб бўлади. Шунинг учун, авваламбор, қадоқ ҳосил қиладиган пойафзал киймаслик керак. Қадоқни даволаш учун эса ҳар куни оёқни «ванна» қилиш лозим. 35—40 даража 2—3 литр иссиқ сувга совун, 1 ош қошиқ сода қўшиб, 10—15 дақиқа оёқни солиб ўтиринг. «Ванна»дан сўнг қадоқнинг устки қатламини жилвир тош ёки махсус қирғич билан тозалаб, ёғли крем суртинг.

Тозалаш азоб бера бошласа, «ванна»дан сўнг қадоққа алоэ баргини қўйиб, бинт билан боғланг. Шунда эрталаб қириб тозалаш осон кўчади. Мабодо бу тадбирлар ёрдам бермаса, дерматолог ёки косметолог врачга мурожаат қилишингиз мумкин.

Баъзан яссиоёқлик ҳам қадоқ пайдо бўлишига сабаб бўлади. У ҳолда ортопед врач билан маслаҳатлашган маъқул.

САЛҚИГАН ЮЗНИ ҚАНДАЙ ДАВОЛАШ МУМКИН,

— Эрталаб, юзим, кўз қовоқларим, айниқса, кўзимнинг таги шишиб, «халта» бўлиб қолади. Буни қандай даволаш мумкин?

Бўзлик Одил Эрматовнинг ёзма саволига қуйидагича жавоб берамиз:

— Юздаги шишлар кўп ёки кам ухлаш, асабларнинг қаттиқ чарчаши, нотўғри овқатланиш, ички касалликлар ва бошқа таъсирларга боғлиқ бўлмаса, шундай тадбирларни қўллаш мумкин:

Қирғичдан чиқарилган картошкани докага солиб, юздаги шишларга енгил-енгил босиш керак. Чой шамасидан ҳам худи шу тарзда фойдаланасангиз бўлади.

Бошқа бир даво: 2 ош қошиқ майда тўғралган қовоқни, паст оловда пишириб, тайёрланган бўтқага ярим чой қошиқ асал қўшган ҳолда юзга суртинг.

Салқиган кўз қовоғига — қиймалагич билан майдаланган петрушка томиридан тайёрланган бўтқани суртиш ҳам фойда беради.

Ниқоблар 10—15 дақиқадан сўнг илиқ сувда ювиб ташланади. Муолажадан кейин, айниқса, ухлашдан олдин зиҳор крем сурта кўрманг, чунки у шишларни кучайтиради.

жавобларни Сарвар МАҲМУДОВ тўплаган.

ЯНВАРЬ

18 ДУШАНБА

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Алданган алдоқчилар». Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Кичкинтой»га хат келди». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.20 «Истиқлолим — истиқболим». Фарғона вилоятидаги қўшма корхоналар фаолиятидан. 19.55 Концерт. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Шароф Бошбеков. «Тақдир эшиги». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 22.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 23.20 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-серия.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 Болалар учун. «Совға». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Миришкорлар». Юқори Чирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалиги чорвадорларининг шу кундаги ҳаёти. 20.40 «Билиб қўйган яхши». 20.55 «Маҳаллада учрашув». Кўрсатувда санъаткорлардан С. Эшонтўраева, С. Ҳамидова, И. Болтаева ва бошқалар шарқона гўзаллик ҳақида суҳбатлашадилар. 21.25 «Лаҳза». Хабарлар. 21.35 «Энг охирги кун». Бадиий фильм.

«ОРБИТА IV»

17.45 «Технодром». 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Барча юлдузлар ёрдамга келади». 18.30 «НЭП». 19.00 «Иқболи кулганда». 19.40 «Гол». 20.10 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 16-серия. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Спорт уик-энди». 21.40 Хотирамизда қолган фильмлар. «Бриллиант қўл. («Мосфильм», 1968 й.).

«Янги студия» таништиради: 23.15 «Озодликка пешвоз қўйилган қадам». 23.20 «Бироқ». 23.35 «Бомонд». 23.55 «Евгеник...» 00.50 «Қаранг-чи, ким кетди»... 01.10 «Мегамикс». 01.50 «Джем-сейшн». Танаффус пайтида — (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.35 Душанба куни детектив. «Иможен». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси (Франция). 4-серия.

20.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.25 «Ҳақиқат онлари», Андрей Караулов саволларига Михаил Козаков жавоб беради. 23.20 Спорт кўрсатуви. 23.25 Мусиқа йирик планда. «Пианинсчи Владимир Бунин билан учрашув». 23.55 Параллеллар. «Қамал ҳақида хотиралар». 00,25 «Па-де-де...»

19 СЕШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Бастакор Мухторжон Муртазоев». Фильм-концерт. 8.00 «Вертикаль». Бадиий фильм. 9.15 Ўзбек тилини ўрганамиз. «Ўлмас мерос». Кинопрограмма. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Алгоритмик тил. 11.00 «Тошкенбоевлар сулоласи». Телефильм. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Нисбийлик назарияси асослари.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Хўжа Насриддин». Мультфильм. 1—2 фильмлар. 18.30 Таэквондо бўйича Ўзбекистон кубоги. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.20 «Спортлото». 19.25 Инсон ва қонун. «Тақдиринг ўз қўлингда». Видеофильм. 20.00 «Мушоира». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Лирик концерт. 21.40 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 22.10 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 2-серия.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

18.30 «Суҳбатга чорлаймиз». Гематология институтининг янги тадқиқотлари тўғрисида. 19.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ». Бедарак йўқолган кишиларни хотирлаб... 20.20 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларидан. 21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV»

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Тинглаб, томоша қилинг». 9.40 «Марафон-15» 10.30 В. Готовцева куйлайди. 10.50 «Гол». 11.25 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал. 16-серия. 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 14.50 «Мушук Леопольднинг автомобили». Мультфильм.

15.00 Янгиликлар. 15.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси». 15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси». 16.10 «Ён дафтар». 16.15 «Вук». Мультфильм. 2-серия. 16.50 «Рақсга таклиф». Н. Петров чалади. 17.10 «Ҳамиша биз билан». Россияда жамғарма ишларининг 50 йиллигига. 17.40 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин». 18.00 Янгиликлар. 18.25 Давлатлараро «Останкино» телерадиоканали таништиради. «Находка — Россияга». 18.50 «Бугунги Ливан». Телеочерк. 19.05 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Австралия). 19.55 «Мавзу». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Ника юлдузлари». Кинематография соҳасидаги мукофотларнинг тантанали топшириш маросими. 24.00 Янгиликлар. 00.40 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 01.10 «Ўтган кунлар».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 «Ҳақиқат онлари». 9.45 «Сафсаталар». 10.15 Диний кўрсатув. 11.00 Ногиронлар ижодиёти I Бутунроссия фестивалига бағишланган кўрсатув. 11.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 11.50 Мульти-пульти. 12.00 Кундузги сеанс. «Иможен». Кўп серияли бадиий телефильм. 4-серия. 13.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.45 «Очиқ дунё» таништиради: «Осиё йўллари бўйлаб». 14.15 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Кўргазмали чиқишлар. 15.55 «Телебиржа». 16.25 Янгиликлар. 16.40 Трансросэфир. 17.25 «Ташвишнинг бегонаси бўлмайди». 17.55 Эълонлар.

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.25 Эълонлар. 22.30 «Келинг, аниқлаб олайлик». 22.45 «Эҳ, Александр Федорович». Видеофильм премьераси. 23.40 Эълонлар. 23.45 «Арт-обстрел». 00.45 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 01.00 Спорт кўрсатуви. 01.05 Парламент хабарномаси. 01.20 Теннис бўйича Австралия очиқ чемпионати.

20 ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Афғон рубоби оҳанглари». Фильм-концерт. 7.55 «Тақдир ҳазили ёки Қушдек енгил бўлинг». Бадиий фильм. 1-серия. 9.00 Турк тили. 9.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мўъжизалар маскани». 10.15 «Бола бошидан...» Мактабгача тарбия масалалари. 10.55 «Шеърият дафтаридан». Зуҳра Алиева. 11.10 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Содиқ дўстлар». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Орзулари ойдин». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.20 «Элга хизмат». Тошкентда транспорт қатновини яхшилаш чоралари ҳақида. 19.50 Концерт. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 Ҳамза мукофотига номзодлар. Саъдулла Сиёев. 22.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 22.50 «Жиноят қидирув бошлиғи ҳаётидан». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Мусиқали меҳмонхона». Алишер Навоий номли театр «Трубадур» операсининг премьераси. 20.00 «Йил якунлари». «Ватан» студияси кўрсатувини санъатшунослик доктори Ҳ. Акбаров олиб боради. 21.00 «02» тўлқинида». 21.20 «Омадли жентльменлар». Бадиий фильм.

«ОРБИТА IV»

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Тимсоҳ Гена». Мультфильм. 9.40 «Сочларни қиров босганда...» (Воронеж). 10.05 «Ҳайвонот оламида». 10.45 Телэкранда биринчи марта. «Кунлар мазмуни». Бадиий фильм. 12.00 Янгиликлар.

12.20 «Хизматкор». Телевизион бадиий фильм. 12.55 «Око» студияси таништиради. «Бир бор экан, бир йўқ экан... Виктор Шкловский ҳикоя қилади». Телефильм. 1 ва 2-фильмлар. 14.50 Мультфильм.

15.00 Янгиликлар. 15.25 «Телемикст». 16.10 «Ён дафтар». 16.15 «Кумуш қўнғироқча». Мультфильм. 16.35 «Қор маликаси ҳузурида меҳмонда». 17.15 «Парвоздаги уй». Мультфильм премьераси (АҚШ). 17.45 «Технодром». 18.00 Янгиликлар. 18.25 «Барча юлдузлар ёрдамга келади». 18.30 «Бу фоний дунё...» Болалик муаммолари ҳақида. 19.00 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.50 «Миниатюра». 20.00 «Бўлмаган гап...» ТВ-текширув. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 Телеэкранда биринчи марта. «Кунлар мазмуни». Бадиий фильм. 22.30 Ю. Паничнинг муаллифлик кўрсатуви. «Уй томон олиб борадиган йўл». 4-қисм — «Кўприклар». 23.30 Й. Гайдн. 103-симфония. 24.00 Янгиликлар. 00.40 Тунги биатлон.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Эълонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 «Эҳ, Александр Федорович». Видеофильм премьераси. 9.50 Мульт-пульти. 10.00 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 10.15 Параллеллар. «Юзма-юз». 10.30 «Бола тилидан...» 11.05 «Арт-обстрел». 12.05 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 121-серия. 12.55 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси. 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.00 Эълонлар. 14.05 «Ана казаклар бораяпти...» 14.40 Теннис бўйича Австралия очиқ чемпионати. 15.35 «Сигнал». 15.50 Мульти-пульти. 16.05 Янгиликлар. 16.20 «Рост» студияси. «Кенгуру». 16.50 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ». 17.35 Спорт кўрсатуви. 17.45 Криминал хабарлар экрани. 17.55 Эълонлар.

18.00—18.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.50 Россия телевидениесида Эн-Би-Си кечаси. «Кисифур». 19.20 «Экспомарказ» таништиради. 19.25 Россия телевидениесида Эн-Би-Си кечаси. «Заҳарли чирмовуқ». Кинокомедия.

21.00—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

12 ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Бахтиёр». Фильм-концерт. 8.05 «Тақдир ҳазили ёки Қушдек енгил бўлинг». Бадиий фильм. 2-серия. 9.30 Араб тили. 10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Устоз». 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Поянинг тузилиши ва унинг ўсиши.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Лола ҳақида қисса». Мультфильм. 18.20 «Маорифимиз муаммолари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.20 «Бухоро қоракўли». Телефильм. 19.30 «Олтин яп-роқ». Неъмат Дўстхўжаев. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Концерт. 21.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 22.20 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 1-серия.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум». 19.00 «Қизиқарли учрашувлар». Тошкентлик коллекциячилар ҳақида. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 1. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Ю. Тўраев ҳузурида. 2. «Махариши» халқаро дорилфунуни вакиллари билан учрашув. 21.20 «Пульс». Хабарлар. 21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV»

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Қиш эртаги». Мультфильм. 9.30 «Мушук ҳақида». Телевизион бадиий фильм. 10.40 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 11.20 Концерт. 12.00 Янгиликлар.

10.20 «Том тоғанинг кулбаси». Бадиий фильм (АҚШ). 14.10 «Хонишларимга халақит берманг». Телевизион бадиий фильм.

15.00 Янгиликлар. 15.25 «Телемикст». 16.10 «Мушук ҳақида». Телевизион бадиий фильм. 17.20 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 18.00 Янгиликлар. 18.25 «Барча юлдузлар ёрдамга келади». 18.35 «Россия ҳукмдорлари» қиёфалари ва уларнинг кўзгудаги акси». 19.05 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.55 «Фондаги суврат». Каданников — ВАЗ директори. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж». 21.40 «Ёшлик пайтларимизда»... «Театр учрашувлари» кўрсатувлари саҳифаларида. 22.10 «В. Крайнев ва дўстлари таклиф этадилар...» Танаффуз пайтида (24.00) — Янгиликлар. 01.05 «Труба» радиоси.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Эълонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 «Қор — менинг тақдирим» (Норильск. Йиллар. Одамлар). Кўп серияли телефильм. 5-серия. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман». 10.05 «Мутлақо махфий». 11.00 «Телекроссворд». 11.30 «Тилла шпора». 12.00 Кундузги сеанс. «Унинг навқиронлик сири». Бадиий фильм. 13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.55 Эълонлар. 14.00 «Гапгаштакларни қўмсаб». 14.30 Теннис бўйича Австралия очиқ чемпионати. 15.25 «Бозор шаклланмоқда». 15.55 Янгиликлар. 16.10 Мульти-пульти. 16.45 «М-трест». 17.00 «К-2» таништиради: «Халқ фраки». 17.55 Эълонлар.

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.25 Эълонлар. 22.30 Россия телевидениесида Эн-Би-Си кечаси. Президент Б. Клинтоннинг давозимга ўтириш тантаналари. 23.25 Спорт кўрсатуви. 23.30 «Сиёсат оламида». 00.25 «Конферансейшн». Мусиқий дам олиш кўрсатуви.

22 ЖУМА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Саодатли санъат сайёралари». Телефильм. 8.05 «Дельфин нидоси». Бадиий фильм. 9.40 Инглиз тили. 10.15 «Гулмира рақсга тушади». 10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик. Ўлкамиз табиатининг хилма-хиллиги. 11.00 «Алибек Днишев. Телефильм. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё. Табиий фанларни ўқитиш ва экологик тарбия.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ажойиб гилам», «Юлдузлар ҳақида эртак». Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нуқтаи назар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.20 «Бинокор». Андижон вилояти қурувчилари фаолиятидан. 19.50 «Учрашув». Хонанда Охунжон Мадалиев. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Шаҳар бедарвоза эмас...». Бевосита мулоқот. 22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 22.30 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 2-серия.

● ЎзТВ II

18.05 БИШКЕК КЎРСАТАДИ

«ОРБИТА IV»

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Қор маликаси ҳузурида меҳмонда». 10.00 «Саёҳатчилар клуби». 10.55 «Чашмалар». 11.25 «Америка М. Таратута билан». 12.00 Янгиликлар. 12.20 Ж. Мольер. «Тартюф». А. А. Чехов номли Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли. 14.40 «Айтгин-чи, Юпитер». Мультфильм.

15.00 Янгиликлар. 15.25 «Бридж». 15.50 «Бизнес-класс». 16.05 «Ён дафтар». 16.10 «Болакай ва қурбақа». Мультфильм. 16.20 «Исмларингиз нима маънони англатади?» 17.50 «Иш». 18.00 Янгиликлар. 18.20 Давлатлараро «Останкино» телерадиоканали таништиради. «Пешвоз». 18.45 «Инсон ва қонун». 19.15 «Америка М. Таратута билан». 19,45 «Мўъжизалар майдони». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Детективлар клуби да. «КТВ-1» ва «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Ўтмишдан дараклар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. «Хитойлик» сериясидан (Франция). 23.05 Г. Аполлинер. «Ноктюрн».

«ВИД» таништиради: 23.25 «Сиёсий бюро». 00.35 «Музобоз». 01.15 «Ҳафтанинг машҳур кишиси». 01.30 «Автошоу». 01.45 «Обоз майдончаси». Танаффус пайтида (24.00)— Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Эълонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 «Сиёсат оламида». 9.50 Мульти-пульти. 10.00 Кипрас Мажейка. «Кичик Европадан репортажлар». 10.45 «Оқ қарға». 11.30 «Бурда моден» тавсия этади...» 12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 122-серия. 12.50 Эмиль Роснер чалади. 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.00 Эълонлар. 14.05 «Ижица». 14:35 Теннис бўйича Австралия очиқ чемпионати. 15.30 Парламент хабарномаси. 15.45 «Телебиржа». 16.15 Янгиликлар. 16.30 «Рост» студияси. «Бизнинг аралаш-қуралаш». 17.10 Трансросэфир. «Москвагача олис». 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 Жума кунлари Уолт Дисней. «Ғалати дарвиш». Бадиий фильм. 2-серия.

19—10—22.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 Телэкранда — премьера. Бадиий фильм. 23.55 Спорт кўрсатуви. 24.00 «Кинескопнинг нариги томонида». Бадиий-дам олиш кўрсатуви. 00.30 Тунги сеанс.

23 ШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Лайлак учди, ғоз учди». Бадиий фильм. 9.20 «Саломат бўлинг». 9.50 «Алифбо сабоқлари». 10.20 «Сирли най». Республика Қўғирчоқ театрининг спектакли. 11.20 «Аёл қадри». Адабий кўрсатув. 12.20 «Мустақиллик одимлари». Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиатош шаҳри корхоналаридаги иқтисодий жараёнлар ҳақида. 12.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Доғ». Теленовелла. 13.30 Тижорат канали. «Халқ хизматида». Қарши шаҳридаги 2529-автокорхонанинг 25 йиллигига бағишланади. 13.45 «Таълим ва маданий мерос». 14.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Менинг маҳаллам». 14.45 «Санъат усталари». Рустам Неъматов. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Ўйла! Изла! Топ!». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.20 «Ғилон». Телефильм. 19.30 Телевизион миниатюралар театри. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Истиқлол қалдирғочлари». 3-кўрсатув. 22.00 «Товон тўлов». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

7.00—14.00
17.00—24.00

«ОРБИТА IV»

7.00 «Ишбилармон қишининг шанба тонги». 7.45 Эрталабки гимнастика. 7.55 Янгиликлар. 8.30 «Моторлар оламида». 8.55 «Марафон-15» — кичкинтойларга». 9.20 «Ўз-ўзингга мадад бер». 9.50 «Шанба кунги дастхат». 10.20 «Инсон институти». 10.50 «Авиакосмик салон». 11.00 «Лексевна». Телефильм премьераси. «Камбағалларнинг олтини» сериясидан. Тоғ чанғи спорти бўйича жаҳон чемпиони Г. Кулакова ҳақида. 11.30 «Мусиқий дўкон». 12.00 «Номинг ўчсин, уруш!» туркумидан ҳужжатли фильм премьераси. 2-фильм — «Қонга қон», 3-фильм — «Ленинград қамалда». 13.00 «Илҳом манбалари». Кўрсатувни С. Ямшчиков олиб боради. 13.30 Режиссёр Валерий Рубинчик фильмлари. «Театрга сафар». 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Дракулито — вампирча». Кўп серияли мультфильм премьераси. 15.50 «Сафар ҳақида хотиралар ёки Испанча оҳанглар». 1-кўрсатув. 16.15 «Барча юлдузлар ёрдамга келади». Мультфильм премьераси. 16.55 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. 17.55 «Қизил квадрат». 18.35 «В. Молчанов Большой театр ҳақида». 19.50 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Болалар ҳақида». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Адолат кўчаси» сериалидан. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Каламбия пикчерс» таништиради: «Юлдузларнинг яратувчиси». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 22.20 «Буржлар остида». 23.50 «Ҳар бир кишининг бурчи». Катталар учун мультфильм. 24.00 Янгиликлар. 00.40 Охирги кино сеанс. Телэкранда биринчи марта. «Полковник Редль». Бадиий фильм (Венгрия — Германия).

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш». 8.50 «Чашмалар». 9.20 «Рост студияси. «Бизнинг аралаш-қуралаш».

9.50—13.13
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

13.15 «Дораэмон». Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.30 «Олти сотих». 13.50 «Пилигрим». 14.35 «Бахт кулиб боққанда». Қувноқ эстрада танлови. 15.35 Россия қобусномаси. «Рус подшолари». 2-фильм. 16.20 «Чегарасиз футбол». 17.25 «Бола тилидан...» 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 Эълонлар.

18.25—20.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИКЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.25 «Иможен». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 5-серия. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».

22.25—23.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.55 Охирги сеанс. «Тириклар орасида йўқолган». Бадиий фильм. 01.25 Волейбол. Европа чемпионлари кубоги.

24 ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 Ака-ука Қобуловлар куйлайди. 7.30 «Нукус», «Ҳайкалтарош Қуттимуротов». Телефильмлар. 8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Бинафшаранг шар». Бадиий фильм. 9.45 «Ўзбекистон спорти». 10.15 «Хотира». Офис Ҳакимов. 10.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Меҳнатим элга манзур». 11.35 ЎзТВ хазинасидан. А. П. Чехов. «Қийшиқ ойна». Теленовелла. 12.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иқбол». Қизлар бахси. 13.55 «Инсон ва замин». Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун кўрсатув.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Кичкинтой» студияси кўрсатади. 18.30 «Наврўз-93» тараддуди. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.20 «Билиб қўйган яхши». 19.35 «Афсонавий ўлка». Ҳиндистон Республикаси эълон қилинган кунга бағишланган кинокўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари олдидан. Қорақалпоғистон телевидениесининг кўрсатувлари. 22.00 «Ажойиб хаёлпараст». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

9.05 БИШКЕК КЎРСАТАДИ

«ОРБИТА IV»

6.55 «Руҳни чиниқтириш». 7.55 Янгиликлар. 8.30 Эрталабки гимнастика. 8.40 «Спортлото» тиражи. 9.00 «Марказ». 9.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг охиргиси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 10.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». 10.30 «Рождество байрами». М. Пятницкий номли рус Давлат академик халқ хорининг концерти. 11.30 «Пи» белгиси билан». 12.20 «Ақлли болалар ва ақлли қизлар». 13.00 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси.

«КТВ-1» ва «Франс интернасиональ» канали таништиради 13.30 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.40 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 14.30 «Эрмитаж». Кўп серияли телефильм премьераси. 4-фильм. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Саёҳатчилар клуби». 16.15 «Ҳунарли хор бўлмайди». 16.20 «Каспер ва унинг дўстлари» (Англия), «Ҳақиқий ажина овловлар» (АҚШ). Мультфильмлар премьераси. 17.20 «Эфирда бевосита мулоқот». 18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 18.45 Янгиликлар. 19.00 Михаил Котляров куйлайди.

Якшанба кинопрограммаси 19.40 Телэкранда биринчи марта. «Осмону фалакда». Бадиий фильм. 22.00 «Якунлар». 22.45 «Матадор». 23.45 «Хамоҳанглик». Телефильм. 24.00 Янгиликлар. 00.20 «Тонг юлдузи» тунги эфирда». 01.00 «Видеодром».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Миллий баскетбол уюшмасининг шарҳи. 8.50 «Россиядан Россияга». О. А. Фаберже. 9.20 «Рост» студияси: «Тонлабиринт». 9.50 «Қиролликдаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 10.20 «Агар сиз...» 10.50 «Ати-бати...» 11.20 Телекроссворд. «Муз-биржа». 11.50 Кино музей. «Стачка». Бадиий фильм. Эйзенштейннинг 95 йиллигига. 13.10 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

13.30—16.50
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.50 Уолт Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни-Пухнинг янги саргузаштлари», «Қора плашч».

17.40—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 Е. Петросян таклиф этади. Эстрада саҳнасида 30 йил. 20.00 «Ҳар бир кун байрам». 20.10 Спорт кўрсатуви. 20.15 Е. Петросян таклиф этади (давоми). 21.35 «Кинодўкон».

21.50—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз»дан олинди.

ИХТИРО

(ФАНТАСТИКА)

БУ НОТАВОН воқеа нимадан бошланганини биласизми? Ҳаммаси «Монжи-сервис» фирмасидаги ақлли ва айни пайтда калтабин бир қовоқ калла «Кард-М»ни ихтиро қилганидан бошланди. Кўринишидан оддийгина бўлса ҳам аслида жуда кучли катализатор вазифасини бажаради. Овқатни яхши ҳазм қилиш имконини беради, айни пайтда таомни хуштаъмроқ қилиб, иштаҳани очиб юборади. Препарат назарий жиҳатдан зарарсиз эди, буни лаборатория тажрибалари ҳам тасдиқлади. Бироқ тажрибалар охирига етказилмади, чунки фирма молиявий жиҳатдан қийналиб қолди — рақобатчилар унинг ҳолини танг қилиб қўйган эди!

Аҳволни яхшилаб олиш учун «Монжи-сервис» янги моддани бозорга чиқарди. Энди барча озиқ-овқатлар концентратларига, консерваларга, янги маҳсулотларга «Кард-М» қўшилиб, ҳамма супермаркетларда, ҳатто кичик дўконларда ҳам чиройли қутичаларга солинган ҳолда сотила бошланди. Бу модда ҳақида телевидение орқали бир мартагина хабар қилинди, шундан сўнг унга рекламанинг ҳожати бўлмай қолди, чунки одамлар янги моддани бир марта татиб кўрганларидан сўнг уни кўплаб сотиб олаверишди. Ҳайратдан ёқа ушлашлар, ҳузур-ҳаловатнинг зўридан оҳ-воҳ қилишлар, модданинг таом таъмига таъсирини оғиз кўпиртириб мақташлари беҳуда кетмади. Фақат олий табақа вакиллари орасида эмас, ҳатто оддий кишилар ўртасида ҳам дастурхонга таомни «Кард-М» сиз қўйиш одобсизлик саналарди. Лекин мен икки-уч мартагина шундай ҳодиса юз берганини биламан. Ўшанда меҳмонлар билан мезбонлар ўртасида отишма бошланиб, бир неча ўн киши ҳалок бўлган эди. Кейинроқ мухбирлар бу ҳодисани қуйидагича изоҳлашди: «Жанжал бир томоннинг ғофиллик қилиб таомга препарат қўшмаганлиги, иккинчи томон эса бундай қилиқдан ўзини таҳқирланган деб ҳисоблаши туфайли юз берди».

Мен бу одамларнинг ҳиссиётларини яхши тушунаман, лекин катализаторли таом истеъмол қилишдан олинадиган ҳиссиётларни таърифлаб бериш учун менга катта истеъдод керак бўларди. Менимча, бу ишни ҳеч ким уддалолмаса керак, уни ҳамма ўзи татиб кўриши лозим, шунда ҳар қандай киши ўз ҳаётини «Кард-М»сиз тасаввур ҳам қилолмай қолади. Нималигини ҳамма аллақачон унутиб юборган оддий спагетти билан жуда оммалашиб кетган «Кард-М»ли спагетти ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бу фарқни фақат қурбақанинг хом гўшти билан «Биг Мак» бутерброди ўртасидаги тафовутга қиёслаш мумкин.

Жаҳон миқёсидаги ҳалокат ана шундан бошланди. Орадан анча вақт ўтгандан кейингина олимлар организм таом билан бирга ундаги генлар даражасида ёзилган маълумотни ҳам ўзлаштириб олишни исботладилар. Яъни оддий тил билан айтганда, янги модда қўшилган таомни еган одам бу таом нимадан тайёрланган бўлса, ўша нарсага айланиб борар экан.

Масалан, агар бирор киши кечки овқатланиш чоғида чўчқа гўшти еса, орадан бир соат ўтгач унинг ўзи чўчқа боласига айланиб қолади, чунки унинг аъзойи бадани таом тўғрисидаги барча маълумотларни тўла ўзлаштириб олади. Шундан кейинги аҳволни тасаввур қила оласизми?

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас кўчаларда ёввойи чўчқалар югургилар, қўй ва сигирлар ўтлаб юрар, осмонда ғоз ва ўрдаклар гала-гала бўлиб учарди. Жониворлар шунчалик кўп эдики, ҳозирнинг ўзидаёқ ов мавсумини бошласа бўладигандек. Денгиз неъматларининг ишқибозлари ва «Океан» гастрономининг ашаддий мухлислари зоғорабалиқ, скумбрия ва молюскларга айлана бошлашди, бундайлар айниқса омадсиз экан, чунки балиқлар фақат сувда яшайди, бизнинг томонларда эса на кўл бор ва на дарё. Улар оғизларини очиб, ойқулоқларини қимирлатиб, иссиқ ҳавони юта-юта кўп ўтмай ҳалок бўлишарди. Тўғри, баъзилари бир амаллаб канализацияга тушиб олишди, лекин у ерда яшаш, ҳудонинг ўзи кечирсину, дўзаҳдагидан ҳам азоблироқ. Экзотик таомлар, масалан, сувараклар, қўнғизлар, чигирткалар, илон ва бошқа газандалардан тайёрланадиган овқатлар ишқибозларининг ҳам аҳволига маймунлар йиғлади. Уларнинг кетидан бутун шаҳарда улкан ҳашоратлар ва баҳайбат рептилиялар қувиб юрди. Буни кўрган бошқа одамлар ҳар томонга тирақайлаб қочишар, аммо барибир бошқа жониворларга ем бўлишарди. Шу кунларда Дарвин қонунлари ўзининг яққол тасдиғини топди. Янги дунёда яшаш учун даҳшатли кураш бошланди: собиқ одамлар бошқа қиёфага кирган ўз қардошларини ея бошлашди. Кўчага чиқиш хавфли бўлиб қолди.

Шунинг ўзи бўлганида бир нави эди-я, бир неча кундан кейин етти ухлаб тушга кирмайдиган мавжудотлар пайдо бўлди. Юқумли касалликларга ихтисослашган ҳар қандай шифокор ёки биолог уларни кўрса, бу ҳилма-хил микроб ва вируслар эканлигини айтиши мумкин эди. Бу, айрим одамлар шахсий озодалик қоидаларига амал қилмаслиги оқибатида микромавжудотларга айланиши натижасида бўлади.

Олимлар жумбоқни ечишгандан кейин аҳолини барча фожеалар мантаи «Кард-М» эканлигидан хабардор қила бошлашди. Ҳатто прокурорлик «Монжи-сервис»ни жавобгарликка тортмоқчи бўлди, лекин «тўйдан кейин ноғора қоқиш»дан энди ҳеч қандай наф йўқ эди: Жин кўзадан чиқиб кетди, тадрижий ривожланиш эса бошқа йўлга тушиб қолди. Одамлар офатдан узоқроқ бўлиш мақсадида янги моддали таомлардан воз кечишди, бироқ нима еб бўлса ҳам тириқчилик қилиш керак эди. Шунда улар егулик топиш учун минг йиллар аввалги аждодлари каби овга чиқа бошладилар. Лекин бу умид ҳам пучга чиқди! Масалан, «Овчи» овдан қуён отиб келди, дейлик. Бу қуён бир вақтлар бўри бўлган. У эса қачонлардир қуён гўштини яхши кўрадиган одам қиёфасида бўлган узунқулоқ жониворни ғажиган. Ўша пайтда ана шундай «От ўйин» бошланган, бир жонивор тўғрисидаги маълумот бошқа жонзотга, ундан эса бошқасига, кейин яна бошқасига ўтар ва шу йўсинда чексиз давом этарди. «Кард-М» бутун дунёни алғов-далғов қилиб юборди.

Менга таниш бир оила ўсимликлардан тайёрланган овқатларнигина танаввул қиларди. Лекин бу ҳам уларни қутқармади. Кундузи улар яқин орадаги ўрмондан қўзиқорин териб келишди, кечга яқин қовуришди, эрталаб эса мен уларникига борганимда уйда бир неча улкан қўзиқорин қақ-қайиб турганини кўрдим. Дарвоқе, бизнинг бу янги оламимизда олхўри, нок каби мевали дарахтлар, апельсин, картошка кўпайиб кетди, баъзи жойларда ҳатто пахта билан ҳинд канопи ҳам ўсиб ётганини кўрдим.

Инсоният тез суръатлар билан ер юзида йўқолиб кета бошлади. Атиги икки ҳафта ичида инсон зоти қолмади, ҳар қалай, мен ҳеч кимни учратмадим.

Ҳозир мен шу сатрларни ёзяпману консерваланган қисқичбақалардан бўшаган банкага бот-бот кўз ташлаб қўяман. Гап шундаки, мен илгари бу таомни жонимдан ортиқ яхши кўрардим...

Албатта, сиз ўқийдиган бу сатрларни қайчисимон «қўл» билан ёзиш осон эмас, лекин мен эҳтимол бирор кимса омон қолар, деган умидда хат қолдирай деб уриняпман. Балки бир кун эмас-бир кун ўзга сайёраликлар келиб, ёзганларимни ўқишар.

Аҳволимнинг ночорлигига қарамай, менда умид пайдо бўлди. Мен ертўлада бир чол яшириниб олганини аниқ биламан. У бутун умри давомида табиат неъматларинигина еб кун кечирган. У янги таомларни хуш кўрмас ва ўз фермасида етиштирган маҳсулотларни тузлаб, қуритиб қўяверарди. Назаримда у айни шунинг учун ҳам омон қолди. Чол озиқ-овқатни бир неча йилга етарли қилиб тайёрлаб қўйган, ҳар қалай ғамлаган нарсалари унга қариликдан ўлгунча етган бўларди. Чол ертўланинг эшигу дарчаларини тамбалаб ташлаган. Унинг олдига ўзим кира оладиган кичкина тирқишни фақат мен биламан, чунки мен энди кичкинагина, эпчилгина қисқичбақаман-да.

Аслини олганда мен одамхўр эмасман, лекин бошқа иложим йўқ. Чунки 2030 йилда ана шу лаънати воқеани охиригача ёзиб қўйиш учун албатта яна одамга айланишим зарур...

Алишер ТАКСАНОВ.

БУЮРСАНГИЗ БАС!

«Ишонч» газетаси таҳририяти қисқа муддатда таклифномалару ташрифномалар (визиткалар)ни, фирма бланкаларию этикеткаларни, ёрлиқлару нархномаларни тез ва сифатли тайёрлаб беради, турли хил матнларни кўпайтириш ишларини бажаради.

Шунингдек, корхона, ташкилот ва алоҳида шахслардан турли мавзудаги (олди-сотти, табриклар ва бошқа) эълонларни газетада босиб чиқариш учун буюртмалар қабул килади.

Бизга буюрсангиз бўлгани.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй, 74-хона.

Маълумот учун телефонлар: 56-85-43, 56-87-59.

ГАЗЕТАМИЗ ҲОМИЙЛАРИ — Ўрта Осиё электр аппаратлари илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ райони Ким Пен Хва номидаги корпорация.

Ишонч

Бош муҳаррир
Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Абдуманноп АЛИМБОЕВ, Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғунбой МАДИЁРОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Абдурасул РЎЗМАТОВ, Саминжон СУЛТОНОВ (вилоят мухбири), Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Санобар ХЎЖАЕВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
● Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
● Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР
● Ижтимоий, иқтисодий ва социал масалалар — 56-82-79.
● Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
● Безатиш — 56-87-74.
● Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-55-85.

● ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Андижонда — 5-32-24;
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда — 2-10-02;
Жиззахда — 2-39-54;
Наманганда — 6-22-10;
Нукусда — 4-19-97;
Самарқандда — 35-63-64;
Термизда — 2-70-07;
Тошкентда — 56-87-59;
Урганчда — 6-87-82;
Фарғонада — 4-47-73;
Қаршида — 5-33-71.

● Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.

● Сотувдаги нархи 6 сўм.
● ШАНБА кунлари чиқади.
● Босишга 15 январда топширилди.
● Навбатчи масъул Турғун Назаров.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.
● Буюртма — № Г38.
● 78.000 нусхада босилди.
● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12